

ШАРОФИДДИН ОЛИМ

***ДИЛДАГИ
ГАПЛАР***

A n d i j o n – 2015

Ушбу рисолада муаллифнинг кўп йиллик тажрибаси асосида жамланган меҳнат севарлик, меҳнат оркали камолотга эришиш, ватанпарварлик, фарзанд тарбияси, билим олиш, инсонларнинг бир-бирларига меҳр - оқибатли булиши, инсон рухияти, соғлиги узаро муносабатлардаги ижобий ва салбий ҳислатлар, бу дунё, бойлик, амал, умр, барининг уткинчи эканлиги, шу сабабли ҳам инсонларни бу ҳаётни кадрига йетишга ундаш, умрни зоя кетказмаслик, бу ҳаётда ўзларидан яхши ном қолдириб кетишлари уларнинг инсонийлик бурчи эканлиги тугрисида дил сузлари битилган.

Улардан ёш авлоднинг таълим-тарбиясида, уларни қомил инсон қилиб тарбиялашда, юракларига яхшилик уригини сепишда, қалбларига меҳнатсеварлик, ўз юртига, халқига меҳр-муҳаббат, садокат, одамийлик руҳини сингдиришда бир манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Маъсул муҳаррир:

А.Собиров ф. ф. д., профессор

Тақризчи:

Х. Каримов ф.ф.н., доцент

Ушбу рисола Андижон давлат университети Илмий кенгашининг 2015 йил _____ № _____ сонли йиғилиш баённомаси қарори билан нашр этишга тавсия қилинди.

С Ў З Б О Ш И

Ҳаёт битмас туганмас илҳом манбаи. Одамзод эса мўжиза. Оламни ўганишнинг чегараси йўқдек инсон руҳиятини, хатти-ҳаракати, борлиққа ва бир-бирларига муносабатини ўрганишнинг ҳам чегараси йўқдир.

Хазрати инсоннинг ҳис-туйғулари, руҳияти, мукаммал тузилиши, бу оламда тутган ўрни билан боғлиқ омиллар шундайин бир уммонки, уни ўрганишнинг ҳам чеки йўқдек.

Инсон умри эса бамисоли бир дарёга ўхшайди. Аввал жўшиб, шарқираб, тўсиқларни менсимай оқади. Сўнг теранлашиб, салобат билан оқа бошлайди, бир лаҳза тинмайди, оқаверади, оқаверади...

Шунинг учун ҳам дилдаги гапларни айтиб қолиш, ҳикматли ва ибратли фикрларни жамлаш, кўпайтириш ва келгуси авлодга қолдириш барча илму – толибнинг бурчидир. Бунга эса шошилмоқ керак, акс ҳолда умр бесамар ўтиб кетиши мумкин, чунки у юқорида айтганимиз дарёдек оқаверади ва ўтиб кетаверади.

Яратган томонидан бизга берилган умрдан эзгулик йўлида фойдаланиб қолиш бир имкон ҳалос.

Мазкур «Дилдаги гаплар» номли рисоладан одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ўқиб-ўрганиш, инсон руҳияти, унинг ички олами, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ ҳикматли гаплар жой олган.

Улар йиллар давомида ўқиб-ўрганиш, борлиқ оламни, табиатни инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кузатиш, ўрганиш, эшитганларни таҳлил қилиш асосида жамланган.

Айримлари ҳалқимиз урф-одатлари, менталлитетини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган фикр мулоҳазалардир.

Ҳурматли, таъби нозик китобхон ушбу рисоладаги айрим пишиб етилмаган фикрлар учун олдиндан узр сўрайман.

Мазкур ҳикматлар тўплами сиз азиз китобхонларда заррача бўлсада қизиқиш уйғота олса ва ҳаётингизда, кундалик турмуш тарзингизда оз бўлсада фойда бера олса муаллиф ўтган умрига ачинмайди, ўзини бахтли ҳисоблайди ва шунга умид қилиб қолади.

Муаллифдан

ҲИКМАТЛИ ФИКРЛАР

- ❖ Тер тўкиб қилсанг меҳнат, йироқ бўлур зиёну-заҳмат.
- ❖ Меҳнатинг келтирар обрў, миннатинг қилар беобрў.
- ❖ Иқтидор билан ақл бирлашгандагина енгилмас кучга айланади.
- ❖ Қобилиятлилар кўп - иқтидорлилар кам.
- ❖ Ҳар бир аълочи талаба, иқтидорли бўлавермайди.
- ❖ Меҳнат ва сабр тоқат комилликка элтувчи йўлдир.
- ❖ Кўп нарсага бирдан эришиб бўлмайди, унга оз-оздан эришган маъқул.
- ❖ Ҳамма нарсага бирдан эришаман деб уринма, озгина сабр ва яхши ниятла меҳнат қилсанг, бир кун келиб уларга албатта эришасан.
- ❖ Табиатни севиш, асраб авайлаш, керак деб бонг урамиз, лекин табиат бағрига дам олиш учун чиққанда эса буни унитиб қўямиз.
- ❖ Табиат бир қарасанг меҳрибон она, бир қарасанг қаҳри қаттиқ отага ўхшайди.
- ❖ Меҳнатдан олган энг тотли нарса – унинг натижасини кўриш ва ҳис этишдир.
- ❖ Машҳурликка эришиш учун баъзан биргина лаҳза, лекин буюкликка эришиш учун эса машаққатли меҳнат ва кўп йиллар халқ эътиборида бўлиш талаб этилади.
- ❖ Табиат илхом манбаидир. Шоир ундан илхомланиб шеърлар битади, рассом ўз асарлари учун илхом олади, қўшиқчи тўлқинланиб қўшиқ куйлайди, оддий одамлар эса улардан руҳий озиқ олади.
- ❖ Табиатни севган уни асрайди ҳам.
- ❖ Табиатни асраш ҳақида кўп гапириш эмас, аниқ амалий тадбирлар ўтказиш керак.
- ❖ Дунёни бир мўжиза, табиатни эса сирли олам эканлигини билиш учун кўп саёҳат қилиш ва кўп ўқиш керак бўлади.
- ❖ Ишёқмас танбал бўлсанг, бошингга ёғилар кулфат, яхши сўзлаб меҳнат қилсанг кўпаяди дўст, улфат.
- ❖ Мақсадга эришиш ва машҳур бўлиш учун фақат меҳнатнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун имконият ҳам керак.

- ❖ Ғайратсиз киши тез чарчайди, ғайратли эса тинмайди, чарчаш нималигини билмайди.
- ❖ Жаҳл устида хукм чиқарма, кейин уялиб қоласан.
- ❖ Ғазаб оловини сабр ўчиради, ҳақ бўлсанг сабр қил.
- ❖ Ўзини ҳақ билган қилади сабр, сабр эса ғазабга бўлади қабр.
- ❖ Ҳақиқат учун кураш чидам, сабр-тоқат ва оғир-босиқликни талаб қилади.
- ❖ Сабр-тоқатлилиқ ўқитувчи учун энг зарур ҳислатлардан бири.
- ❖ Жаҳлга қарши энг яхши дори бу-сабрдир.
- ❖ Сабрни шарга ўхшатиш мумкин, у ҳам шишиб-шишиб бир кун ёрилади.
- ❖ Сабр ва андиша ёнма-ён юради дейишади. Шунинг учун ҳам андишали киши сабрли бўлади.
- ❖ Билмасанг сабр қил, билганларга йўл бер.
- ❖ Билмасанг билмаслигингни тан ол, билмаслигингни билдирмаслик учун ёлғон сўзлама.
- ❖ Ҳарактери ва қарашлари мос келмаган киши билан ҳамсуҳбат бўлиш учун сабр-тоқат ва ирода керак.
- ❖ Бағрикенглик кек, гина, адоватдан воз кечиб, сабрли ва тоқатли бўлиш демакдир.
- ❖ Сукут сақлай билиш ҳам яхши ҳислатлардан бири. Ўз ўрнида сукут сақлай билган киши ўзини кўп нохушликлардан муҳофаза қилади.
- ❖ Баъзи одамлар давра суҳбатларда кўпроқ сукут сақлайдилар. Лекин, уларнинг дилида қанчалар фикрлар борлигин кўпчилиқ сезмайди. Бу тоифа одамлар дилидагини қоғозга тўқади ва енгил тортади.
- ❖ Жаҳли ва ғазабини ичида сақлаб юзага чиқармайдиган одам юксак ирода соҳибидир.
- ❖ «Шошилганда шошилма» дейилади испан мақолида шошқолоқлик нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади.
- ❖ Шошқолоқлик билан тез фикрлаш ўртасида катта фарқ борлигини унутманг.
- ❖ Шошқолоқлик билан севги изҳор қилманг. Ахир, унинг ортида икки дилнинг бир умрлик тақдири турибди.

Хайрли ишлар қилишга шошма-шошарлик билан киришиб бўлмайди. Шунингдек, бундай ишларга ҳасад, аламзадалиқ, жаҳл

ёки ғазаб билан ҳам киришиш мумкин эмас. Хайрли иш қилишга пок ният билан киришмоқ зарур.

- ❖ Жаҳли чиққан одам таранг тортилган торга ўхшайди, черта кўрманг, узилиб кетади. Аввал бўшатинг, кейин “чалаверасиз”.
- ❖ Бошингга қийинчилик тушса, сабр билан умид ҳамрохинг бўлсин.
- ❖ Ўлим доим атрофимизда юради, лекин одамлар буни билмайдилар ёки бунга ишонмайдилар. Айримлари эса, билишдан кўрқадилар.
- ❖ Инсонийликнинг чеки йўқдек, эзгуликнинг ҳам чеки йўқ.
- ❖ Инсонга яхшилик қилиш бу – улуғликка интилишдир.
- ❖ Оқиллик доноликка олиб боровчи йўлдир.
- ❖ Ҳаётнинг чеки йўқдир, истак – хоҳишнинг ҳам.
- ❖ Инсон доим меҳрга зор, шунинг чун унга бермагин озор.
- ❖ Донолар орасида сен ҳам доносан, нодонлар орасида эса сен ҳам нодонсан.
- ❖ Иззат талаб бўлма иззат қилсанггина иззат кўрасан.
- ❖ Ҳамфикрлик кишиларни яқинлаштиради.
- ❖ Кетма – кет келаётган омаддан сархуш бўлма, ортидан келадиган омадсизликка ҳам тайёр тур.
- ❖ Иродали одам ҳеч қачон тушкунликка тушмайди.
- ❖ Вайрон қилиш осон-бунёд этиш қийин.
- ❖ Бир ғариб кўнглини шод этишдан завқ олган киши ҳақиқий инсондир.
- ❖ Киши ёлғиз яшай олмайди, унга дўсту-ёр, оила, жамоа ва Ватан керак.
- ❖ Бошқаларга ғамхўрлик қилиш яхши ҳислат, уни қадрлаш керак.
- ❖ Яхшилик қилсанг, сенга ҳам яхшилик қилишади, фақат ҳасадгўйгина бундан мустасно.
- ❖ Ҳар муваффақиятсизликдан кейин, яна ўзингни ўнглаб олиш, яна олдинга интилиш учун кучли ирода керак.
- ❖ Гўдак кулгуси беғубор, чунки унда самимийлик бор.
- ❖ Хушфеъллик, кўнгилчанлик, самимийлик, саҳоват-лилик, чин сўзли бўлиш – олийжаноблик белгиларидир.
- ❖ Олийжаноб киши бурчга содиқликни, уни бажаришни биринчи ўринга қўяди.

- ❖ Олийжаноб одам аввал талабни ўзига қўяди, пасткаш эса ўзгага.
- ❖ Ҳамдардлик йўқ жойда инсонийлик ҳам йўқ.
- ❖ Эзгулик бир кун келиб разиллик устидан ғолиб келади. Бу аниқ.
- ❖ Ақлли ва иродали инсон ўз қадр қимматини ерга урмайди.
- ❖ Инсон руҳиятида икки қудратли куч мавжуд. Бири бунёдкорликка ундовчи олийжаноблик, иккинчиси бузғунчиликларни келтириб чиқарувчи ёвузлик. Шунинг учун ҳам инсонлар икки тоифага – олийжаноб инсонлар ва ёвуз инсонларга ажралади.
- ❖ Ёзишни билган одам ўқишни ҳам билади. Ўқишни билмайдиган киши эса ёзишни ҳам билмайди.
- ❖ Миллатлар каттами ёки кичик улар бир-бириларининг урф одатларига ҳурмат билан қарашлари керак.
- ❖ Бир миллат иккинчи миллатни менсимаслиги, турли келишмовчилик ва низоларни келиб чиқишига сабаб бўлади.
- ❖ Инсон ҳиссиётга берилувчидир. Шу сабабли ҳам ундаги салбий ҳислар турли руҳий касалликларни келтириб чиқарса, ижобий ҳислар кўтаринки руҳ бахш этиб, турли касалликлардан халос бўлишга ёрдам беради.
- ❖ Кечиримли бўлиш инсоний ҳислатлардан бири ҳисобланади. Шу мезонга кўра одамларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа одамлар ҳеч нарсани кечирмайди, доим ёдда сақлайди, лекин қулай пайт келиши баланоқ дарҳол юзингга солади. Иккинчи тоифа одамлар ўта кечиримли. Улар бўлган воқеани дарҳол унутиб юборадилар. Учинчи тоифа кишилар барча бўлиб ўтган воқеаларни ёдидан чиқармайди, лекин кечириб юборишади. Сиз қайси тоифага мансубсиз?
- ❖ Кечиримли бўлиш руҳан енгил тортиш демакдир.
- ❖ Агар сенга етказилган руҳий жароҳатни кечира олмасанг, у қалбингни тирнаб эзаверади, эзаверади, эзаверади. Кечириб юборсанг руҳан енгил тортасан.
- ❖ Кек сақлаш, бу – танада руҳий заҳарни сақлаш демакдир. Уни чиқариб ташлаш керак, акс холда у бутун танани, қалбни заҳарлаб халок қилиши мумкин.
- ❖ Атайин сизга руҳий жароҳат етказмоқчи бўлган шахснинг сўзи ва хатти-ҳаракатидан диққат бўлиб юрманг, уни эсдан чиқариб юборинг. Шунда руҳий заҳарнинг таъсиридан қутилган бўласиз.

Сизга руҳий жароҳат етказган одам сизни касал бўлиб ётиб қолишингизни кутади. Сиз эса бунга парво қилманг, руҳий тетик ва қувноқ бўлинг. Шунда ёвуз нияти амалга ошмаган шахс, ўз ич этини еб битиради.

- ❖ Руҳий тушқунликдан қутилиш учун тоат-ибодат қилишни маслаҳат беришади.
- ❖ Ёмон кўрган одамидан ҳам яхшилигини ва мурувватини аямайдиган одам олийжаноб ва саҳий одамдир.
- ❖ Инсонларга интилиб, уларга эҳтиёж сезиб яшаган одам яхши одамни дейишади.
- ❖ Ўзи қилган яхшилик ва бошқалардан келган ёмонликни унутиб яшаган инсон миннатчи ҳам эмас, қасдлашувчи ҳам эмас. У қалби пок инсон.
- ❖ Тўғрилик, саҳийлик, камтарлик, хуш муомалалик, назари тўқлик, илмга интилишлик, ҳунармандлик, поклик нақадар гўзал амаллар! Бундай ҳислатларга эга инсонларни эъзозлаб, уларга ҳавас қилсанг арзийди.

Бу дунёни обод қилиб турувчи хазрати инсондир. Одамларсиз бу замин, бу олам ғариб бўлиб қолар эди.

Самимийлик – юксак инсоний ҳулқ. Самимий одамга душмани ҳам ёмонлик қилишга журат этолмайди.

- ❖ Самимийлик – меҳр кўзғатувчи қуролдир.
- ❖ Ғамхўрлик ғамхўрликни келтириб чиқаради.
- ❖ Айрим кимсалар танқид қилишга уста, аммо муаммонинг ечимини сўрасанг лол, бирор арзирли фикр айтмайди.
- ❖ Бировларга қора суртишга доимо тайёрсан, лекин бирор кимсага яхшилик қилганингни эслайсанми, эй биродар?!
- ❖ Инсон бу дунёга келади, яшайди, вафот этади. Ундан фақат икки нарсга қолиши аниқ. Бу – у қилган яхшиликлари ва ёмонликларидир.
- ❖ Дўсти учун ўз манфаатидан кечиш содиқликдир.
- ❖ Дўстлар кўп, лекин содиқ, ҳамфикр дўстни топиш мушкул.
- ❖ Дўст киши дўстини қўллаб қувватлайди, хато қилса уни кечиради, аммо, асло дўстини сотмайди.
- ❖ Таъмагирликка асосланган дўстлик дўстлик эмас.
- ❖ Манфаатлар тўқнашганда дўстликка раҳна тушади.
- ❖ Унутма, дўстингнинг ютуғи сенинг ҳам ютуғинг. Оз бўлсада ҳасад аралашса у дўстлик эмас.
- ❖ Синалмаган дўст, дўст эмас, у шунчаки ошна.

- ❖ Дўст билан ошнани фарқламоқ лозим. Шон ила шухратда ошналар бисёр. Кулфатдачи? Фақат дўстинг сенга ёр.
 - ❖ Қайғуда шерик бўлмаган дўстни дўст деб бўлмайди.
 - ❖ Ҳамма нарсанинг янгиси дўст ва хотиннинг эса эскиси яхши.
 - ❖ Дўстлик, садоқат, ҳақиқат ва ишонч бор жойда кўнгил хотиржам, иймон-мустаҳкам бўлади.
 - ❖ Дўстликни асра, у бебаҳо бойлик.
 - ❖ Кибирли бўлма, у дўстликка рахна солади.
 - ❖ Отанг вафот этса, унинг дўстларини йўқлаб тур. Отангни кўргандек бўласан.
 - ❖ Душманининг душмани дўстимдир, дўстимнинг дўстименинг ҳам дўстим.
 - ❖ Дўстлар доим бир-бирин суяб яшашади. Яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам бир-бирларига ёрдам бериб яшаш, ҳаёт лаззатидан бахраманд бўлиб яшаш демакдир.
 - ❖ Дўстингизнинг яхши фазилатларини бошқаларга айтиб юрсангиз, ўзингизнинг обрўйингизни ҳам кўтарган бўласиз.
 - ❖ Дўстингнинг душмани сенинг ҳам душманинг. Дўстингни дўсти эса, сенинг ҳам дўстинг. Садоқатли дўстлик мана шундадир.
 - ❖ Дўстингни душмани ва душманингни дўсти билан дўст бўлиш, дўстликка хиёнат ва икки юзламачилиқдир. Бундай дўстан яратганинг ўзи асрасин.
 - ❖ Манфаатдорликка асосланган дўстлик – дўстлик эмас. Чин дўст яхши кунда ҳам, ёмон кунларингда ҳам сенга содиқлигича қолади.
-
- ❖ Дўстингга ишон, лекин суялиб қолма.
 - ❖ Дўстлик ришталарини узилишига йўл қўйманг, уни улаш қийин.
 - ❖ Дўстинг кўполлик қилиб кўнглингни оғритса кечир, чунки дўст кечиримли бўлади.
 - ❖ Севиш осон, севилиш қийиндек, чин севгига эришиш ҳам қийин.
 - ❖ Гўзаллик доим ўзига тортади аммо унинг ортида алдов ҳам бўлишини унутмаслик керак.
 - ❖ Севги туйғуси инсонга хос бўлсада, у Шарқда ўзгача-роқ ифода этилади. Шарқона севги кўпроқ нигоҳларда, кўзларда ифода этилса, ғарбона севгини сўзларда ва хатти-ҳаракатларда ифода этилиши кўпроқ кузатилади.
 - ❖ Севги туйғуси аввало қалб тўрида ҳосил бўлади, сўнг эса нигоҳларга ва сўзларга кўчади.

«Севаман» деган сўзни айтиш қанчайин қийинлигини фақат чин ошиқларгина ҳис қилади. Уни шунчалик енгиллик билан бот-бот қайтарадиганлар учун эса, у шунчаки ҳиссиётга ўралган ўткинчи туйғу.

- ❖ Бир қарашда севиб қолиш мумкин, лекин бир кўришда хулоса чиқариб бўлмайди.
 - ❖ Муҳаббат билан нафрат бир кўнгилга сиғмайди.
-
- ❖ Қалб гўзаллиги жисмоний гўзалликдан устун туради, чунки ҳақиқий гўзаллик кишининг қалбида бўлади.
 - ❖ Истара қалб гўзаллигининг бир кўринишидир. Истара -ёқимтой кўриниш, истара - ақл чироғининг юзингизга тушиб турган ёлқини, истара - одоб ахлоқ билан қилган муамилангиз, истара - хуш феъллингиз. Халқимизнинг “истараси иссиққина” деган иборасида ушбу барча сифатлар жамланган.
 - ❖ Орасталик, саранжом-саришта бўлиш инсонга хос ҳислат, пала-партишлик эса-хайвонга хос.
 - ❖ Аёлнинг эрига, эрнинг аёлига ёқиб яшашга интилишлари улар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлайди.
 - ❖ Муҳаббат ва хиёнат ўт билан сувдек, иккиси бир қалбга сиғмайди. Муҳаббат бор жойда хиёнат бўлмайди, хиёнат бор жойда эса муҳаббат.
 - ❖ Қошга қўйинг ўсмани майли, кўзга суртинг сурмани майли, лекин ифбатни, ҳаёни ва вафони асло бўяманг жон қизлару, аёллар!
 - ❖ Гул – гўзаллик тимсоли. Лекин, у қўлда эмас шоҳида турса гўзал.
 - ❖ У ғоятда гўзал, гулдек нафис, барча гўзалликни ўзида мужассамлантиргандек гўё. Аммо, у шоҳидаги эмас, қўлдаги гул. Афсус...
-
- ❖ Муҳаббат ўзи нима ? “Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди” деганларидек, муҳаббатни ҳам ҳар ким ўз дунёқарашидан келиб чиқиб идрок этади.
 - ❖ Кўнглингга қулоқ сол, лекин ақл билан ўйлаб кўр.
 - ❖ Кўнгил риштаси нозик, у билан ўйнашма, узилса улаб бўлмайди.

- ❖ Умр инсонга бир марта берилади. Лахзалик роҳат деб уни хазон қилма.
- ❖ Йўқчилик эга олмас йигит қаддини, бебурдлик эгади унинг қаддини.

Ширин хаёлларла орзу қилиш ва азоб чекиш ошиқларга хос туйғудир.

- ❖ Фақат анқовларгина гўзалликни тушунмайди. Қадрига ҳам етмайди.
- ❖ Инсон қалбини тушуниш қийин, севганни севмайди, севмагани эса севади.
- ❖ Такаббур кимсалар ўзларини севади, ўзгаларни назар писанд қилмайди.
- ❖ Маслаҳат бериш оқилнинг иши, бажариш эса марднинг.
- ❖ Чорасиз қолган пайтда тентакнинг фикри ҳам ақлли бўлиб кўринади.
- ❖ Тез гапирилган сўзлар енгил, шошилмасдан, босиқлик билан гапирилган сўзлар эса салмоқлидир. Уларнинг тингловчига таъсири ҳам гап тезлиги ва оҳангига боғлиқ.

- ❖ Ақлли киши яхши маслаҳатни дарҳол қабул қилади. Фақат нодонгина унга менсимай қарайди.
- ❖ Расмийатчилик учун чиқарилган хулоса алдамчидир. Шунинг учун ҳам ақл фаросат билан шошмасдан чиқарилган хулосага таяниш керак.
- ❖ Бу ҳаётнинг қадрига етиш учун хузур халоватда ва азоб укубатда ўтган кунларни ақл тарозисила ўлчаб кўрмоқ керак.
- ❖ Кўнгил кўчаси кенг ва чексиздир. Унга кирсанг ақл билан кир, кўнглингга эрк берма.
- ❖ Кўнгил жуда нозик, аммо унга эрк бериб бўлмайди, оқибати ёмон бўлади.
- ❖ Ақл нима учун берилган ? Жаҳл келганда ўзини босиш ва ёмонликдан сақланиш учун.
- ❖ Маъруза дарсларидан олдин семинар келиши, отдан олдин арава кетишига ўхшайди.
- ❖ Баъзан талабаларнинг сўзига ҳам қулоқ солиш керак, чунки улар ҳар доим ҳам ҳақиқатни айтаверишмайди.
- ❖ Ўқиган эмас, уққан кўпроқ билади.
- ❖ Ўқишни истамаган уқишни ҳеч истамайди.
- ❖ Талабани зўрлаб ўқитманг, қизиқтириб ўқитинг.

- ❖ Устозни «устозман» дейиши учун шогирди бўлиши керак. Шогирдни шогирдман дейиши учун эса устози бўлиши керак.
- ❖ Устозликка эришиш осон, тан олиниши қийин.
- ❖ Ўқитувчи учун шогирдларининг камолини кўриш, улар ардоғида бўлиш – бахт.
- ❖ Ўқитувчилик касби ўта сабрли бўлишни талаб қилади. Сабрсиз киши ўқитувчи бўла олмайди, яхшиси у бошқа касб танлагани маъқул.
- ❖ Ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги дарс самарадорлиги гарови.
- ❖ Илм олишга интилгин бисёр, аммо илмни сотмагил эинҳор.
- ❖ Ўқитувчи ҳамма томондан ўрнак бўлиши керак: ўзини тута билиши, кийиниши, муомиласи, билими, сўзи ва фикри.
- ❖ Бойликсиз, камбағалликда яшаш мумкин, билимсиз, маънавий озуқасиз эса яшаб бўмайди.
- ❖ Олимнинг олимлиги унинг ўрганиладиган мавзуларни мураккаблаштириб беришига эмас, балки мураккаб, муаммоли масалаларни сода ва лўнда қилиб тушунтириб бера олишидадир.
- ❖ Билим олишга ҳамма интилади, лекин тўловига келганда билмасликка олишади.
- ❖ Билим яхшиликка, эзгу ишларга хизмат қилиши керак. Баъзан ундан ёвуз ниятлари учун фойдаланадиганлар ҳам учраб қолади.
- ❖ Бир марта ўқиган китобингни яна бир бор ўқисанг, унинг мазмунини янада чуқурроқ тушунасан, асар қаҳрамонларининг янги қирраларини кашф этасан.
- ❖ Ширин булоқ сувини ичган сайин ичгинг келаверади. Яхши китоб ҳам булоққа ўхшайди, ўқиган сайин яна ўқигинг келаверади.
- ❖ Китоб олами чексиз. Уни бир умр ўқиб тугатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мақсадга кўра китоб танлаб олиш ва ўқишни билиш керак.
- ❖ Ҳар ким ўз қизиқиши, характери ва дунёқарашига кўра китоб танлаб ўқийди. Шунга кўра унинг қандай одам эканлигини билса бўлади.
- ❖ Таълим-тарбияда ҳаётдан олиб келтирилган мисоллар таъсирчанлигиги билан ажралиб туради. Ахир, “ҳаётнинг ўзи муаллим” деб бежиз айтишмаган.
- ❖ Яхшиямки инсониятга билим олишдек бахт насиб этган. Акс холда бу дунё унинг учун зулмат бўлар эди.

- ❖ Илмий фараз илмий ишнинг дебочасидир. Ҳар қандай илмий изланиш илмий фараздан бошланади.
- ❖ Ўзинг янгилик ярата олмасанг, ҳеч бўлмаганда ўзгалар яратганни қадрига етиш керак.
- ❖ Билим ва тажриба уйғунлашгандагина камолотга эришилади.
- ❖ Ўқитувчининг талабаларни исмини айтиб чакириши, уларда хайрихоҳлик, илиқлик ва мамнунлик ҳиссини уйғотади.
- ❖ Талаба учун энг муҳим нарсa илм олишга бўлган кучли истак ва хоҳиш. Шунинг учун ҳам талабани илм олишга қизиқтира олиш ўқитувчи олдидаги муаммолардан бири.

- ❖ Оддий нарсани мураккаблаштира, уни содда йўл билан тушунтир.
- ❖ Оддий муаммони чигаллаштириб ечимини топган эмас, балки, чигал, мураккаб муаммонинг содда ечимини топган донодир.
- ❖ Табиатнинг сир синоати ва қаҳрини кўриб инсон ақли ва кудратининг чегараланганлигини ҳис этамиз.
- ❖ Инсон табиат сир-синоати ва тўсиқларига дуч келгандагина ўзининг кам билишини тушуниб етади.
- ❖ Олимлар қайсар бўладилар, улар ўз ғоя ва сўзларидан қайтмайдилар дейилади. Аммо, ўз манфаатлари йўли-да ўз сўзларидан қайтадиганлари ҳам учраб туради.
- ❖ Айрим ҳолларда енгил-елпи мавзуларга бағишланган илмий тадқиқот ишлари учраб қолади. Шундай ҳолларда бир самарали қилинган рационализаторлик таклифи жамият тараққиёти учун кўпроқ фойда келтириши мумкин деб айтгинг келади.
- ❖ Илм-фаннинг асосий вазифаси инсонни, унинг руҳиятини ва дунё сир-синоатини ўрганишдир.

Илм-фан ютуқлари фақат яхшиликка ва эзгуликка йўналтирилиши лозим. Ундан қабих мақсадларда фойдаланиш эса ёвузликдир.

- ❖ Яхши шогирд устознинг ўғитларига амал қилган ҳолда унинг ҳаракатларини қайтариш орқали етукликка эришади.
- ❖ Ўз кучингга ва билимингга ортиқча баҳо берма, кейин уялиб қоласан. Сенданда кучли ва билимлилар ҳар доим топилади. Дунё ўзи шундай.
- ❖ Фан ва техника ютуқлари асосида кашф қилинган ва инсон меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган воситалар инсон

тафаккурини хиралаштириб, уни дангаса қилиб қўйиши ҳам мумкин.

- ❖ Олимлар ўз фикр мулоҳазаларини мураккаб сўз ва иборалар билан баён қилишга одатланиб қолганлар.
- ❖ Оддий халқ фикрни қисқа ва лўнда ифодалашга ўрганган. Шунинг учун ҳам халқ олдида гапирганда фикрни қисқа, аниқ, ва лўнда жумлаларда ифодалаш лозим.
- ❖ Инглиз тилида нутқи равон талаба шу тилни ўқитишни ҳам билади дейиш нотўғри бўлар эди. Агар тилни амалий билган ҳар қандай киши шу тилга ўқита олади деб ўйланса, хато бўлади. Бунинг учун махсус тайёргарлик керак.
- ❖ Агар хорижий тилда равон гапиришни хоҳласангиз, ҳар-бир ўрганган сўзни дарҳол нутқий амалиётда қўллашга ҳаракат қилиш керак.
- ❖ Ёш бола ўз она тилида равон гапириши мумкин, аммо у тил қонун – қоидаларидан хабардор эмас.
- ❖ Баъзан олимларни реал ҳаётни яхши билмасликда айб-лашади. Бу янгилаш фикрдир. Аслида олимларнинг ғоя-ларини ва илмий изланиш натижаларини ҳаётга тадбиқ қилинмаганлигини бунга сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.
- ❖ Оқилу-доно кишилар ўз билими ва кучига ортиқча баҳо бермайдилар. Улар ўзларининг нимага қодир эканликларини аниқ билладилар ва шунга кўра ҳаракат қилладилар. Шунинг учун ҳам улар доим муваффақиятга эришадилар.
- ❖ Билим олиш ва ундан фойдаланишда уч нарса талаб этилади: Биринчиси ўқий олиш, иккинчиси ўқиганни тушуниш учун ўқиб олиш, учинчиси олган билимдан амалда фойдаланиш учун тажриба.
- ❖ Ўз фанини севмаган ўқитувчи, ўқитувчи бўлишга ҳаққи йўқ.
- ❖ Ўз фанининг устаси бўлиш учун шу фаннинг тарихини жамиятда тутган ўрнини ва шу фан билан боғлиқ қизиқарли муълумотларни билиш талаб этилади.
- ❖ Билимсиз ўзини билимли қилиб кўрсатиш учун эшитганларини дарҳол бошқаларга айтишни хоҳлайди. Лекин уларга далил, исбот келтира олмайди.
- ❖ Ўқимишли киши табиат ҳодисаларини илмий жихатдан асослаб беришга ҳаракат қилади. Ўқимаган эса, ўз дунёқарашидан келиб чиқиб уларни турлича талқин қилади. Кўпинча бу афсона ёки фантастика бўлиши мумкин.

- ❖ Фантастика ажойиб нарсa. У биз ҳозирда кўра олмайдиган нарсаларни ҳаёл кўзи билан кўришга, асрлар оша келажакка назар солишга ёрдам беради.
- ❖ Илмни ғазаб ва дўқ-пўписа билан бериб бўлмайди. Уни очик чеҳра, ширин сўз, аммо, қатъиятлик билан амалга оширган маъқул.
- ❖ Илм олишдан талаба роҳатланиши керак, шунда талабада илм олиш учун мотивация-истак хоҳиш ҳосил бўлади.
- ❖ Илм уммонига талабани қизиқтириб, билимга чанқоқ қилиб олиб кириш лозим. Бунинг учун эса аввалига содда, тушунарли тилда баён қилиш, худди сериаллардаги каби ўрганилаётган мавзуларни қизиқарли қисмларга ажратган ҳолда бериш мақсадга мувофиқ.
- ❖ Маъруза жараёнида мавзунини мураккаб илмий атамаларни қўллаган ҳолда ўта илмий жумлалар асосида баён қилиш тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Бу эса ундаги илм олишга бўлган қизиқишни сўндиради ва маърузани зерикарли бўлишига сабаб бўлади.
- ❖ Илми кўп бўлиб халққа етказа олмаган олимдан илми озроқ, лекин уни халққа етказа олган олим афзалроқ.
- ❖ Бирор илмий масалани изоҳлаш учун берилган мисолни ҳаётдан, атроф-муҳитдан, талабага таниш бўлган соҳадан олиб берилиши масалани тушунарли қилади ва муаммонинг ечимини топишни осонлаштиради.
- ❖ Маънавият тарбиясини шундай амалга ошириш керакки, тингловчи маҳлиё бўлиб, сеҳрланиб қолсин. Японияда ўлка тарихини ўргатиш, ўқувчиларни ўша тарихий жойларга олиб бориб кўрсатиш ва ўша жойнинг ўзида тарихий воқеаларни сўзлаб бериш орқали амалга оширилар экан. Қандай ажойиб!
- ❖ Яхши ният ва ишонч билан бошланган ишнинг охири хайрли бўлади. Ишончсизлик билан бошланган иш эса поёнига етмай қолади.
- ❖ Айрим одамлар ўз уқувсизлигин яшириш учун айбни замонга тўнкашади. Замон доим илгарилаб кетади, унга етиб юриш учун эса эски ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан ҳаракат қилиш керак. Шунинг учун айтишадида «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деб.

- ❖ Аждодларимиз қадриятларини ва жасоратларини билиш ва уларни ёш авлодга етказиш нафақат педагогларни (тарбиячи, ўқитувчиларни), балки ҳар бир замондошимизнинг бурчидир.
 - ❖ Айрим талабалар тўтига ўхшайди. Сўз маъносини билмасдан гапираверадилар. Буни, айниқса, хорижий тилда домланинг саволига жавоб бераётганда кузатиш мумкин.
 - ❖ Талабаларни тўрт турга бўлиш мумкин. Биринчиси, мавзуни билади ва билишини ўзи ҳам билади. Иккинчиси, мавзуни билмайди ва билмаслигини ўзи ҳам билади. Учинчиси, мавзуни билишини ўзи билмайди, лекин жавоби тўғри. Улар саволга жавоб берганда домланинг юз ифодасидан жавобининг маъқул ёки маъқул булмаётганлигини билишга ҳаракат қиладилар. Тўртинчиси, мавзуни билмайди, лекин билмаслигини ўзи ҳам билмайди, ўз сўзини маъқуллаб тураверади. Улар нодон, қўпол талабалардир.
 - ❖ Хорижий тилда оғзаки нутқни ўстиришнинг энг мақбул йўли, бирор-бир мавзу юзасидан ўз фикрини билдириш орқали муҳокамада қатнашишдир. Бу танқидий фикрлашни ҳам ўстиради.
 - ❖ Ўқиганни эслаб қолиш учун тинглаб тушунган матн мазмунини (ёки воқеа-ҳодисани) ёзиб бориш ва қайтадан айтиб бериш керак.
 - ❖ Ўқиб ўрганган билимнинг ўлчови ва тўлови баҳо ҳисобланади.
 - ❖ Ўқитишдан кўзланган мақсад талабага билимлар мажмуасини бериш билангина чегараланилмайди, балки талабани ижодий ва танқидий фикрлашга, ўз фикрини асослаб беришга ўргатиш билан ҳам аниқланади.
 - ❖ Шогирдлар ардоғидаги, ҳамкасблар ардоғидаги олим бўлиш учун уларнинг ҳурматига сазовор бўлиш даражасидаги фидоийликка эга бўлиш керак.
 - ❖ Тилни хато қилмасдан ўрганиб бўлмайди. Шунунг учун ҳам нутқий машқлар бирламчидир.
-
- ❖ Кимки илмга интилса аввалига хор бўлади, кейин зор, пировард натижада эса комил инсон бўлади.
 - ❖ Илмга интилсанг бойликни кўзлаб интилма, инсониятга яхшилик излаб интил.

- ❖ Ҳақиқий илми-толиблар моддий бойликдан кўра маънавий бойликни афзал кўрадилар.
 - ❖ Инсон дунёга келибдики, бу олам сирларини билишга интилади. Қанчалик кўп ўрганса сирлар ҳам шунчалик кўпаяверади. Дунё чексиз, уни билиш учун инсон умри камлик қилади. Буёғи яратганга боғлиқ.
 - ❖ Ҳақиқий устознинг бурчи – шогирдига илм бериш, уни тўғри йўлга бошлаш, нопокликдан қайтаришдир. Бунинг аксини қилганларнинг устози – шайтон.
 - ❖ Илм олишга интилиш, тоғ чўққисига тирмашиб чиққандек гап. Шунинг учун тоққа ҳамма ҳам чиқавермайди. Захмат чекишни хоҳламаганлар осонроқ йўлини излашади.
 - ❖ Ўқитувчи билим бериш билангина чегараланиб қолса, у ўқитувчи эмас, у тарбияга ҳам маъсул.
 - ❖ Ўз сўзига амал қилмаган устоз бу номга нолойиқ.
 - ❖ Ҳақиқий ўқитувчи ўқувчининг камчиликларини айтиб эмас, унинг яхши томонларини айтиб тўғри йўлга бошлайди.
-
- ❖ Кўп ўқиган кўп нарса билади, кўп саёхат қилган кўп нарса кўради.
 - ❖ Маърузачининг маърузасини уч сабабдан келиб чиқиб олқишлайдилар. Биринчиси, унинг маърузасини тушуниб, маъқуллаганликлари учун; Иккинчиси маърузанинг мазмунини тушунмаганликлари ва тушунмаганликларини билдирмаслик учун; Учинчиси маърузани маъқулламаганликлари ва эшитишни хоҳламаганликлари учун.
 - ❖ Чет тилига хатолар қилмасдан ўргатиш тилга хос қоидаларни ёд олиш ва мисоллар келтириш орқали амалга оширилади. Хатолар орқали ўргатиш эса талабани ўз фикрини эркин ифодалашга ўргатишдир.
 - ❖ Ҳасадгўйга қанча қилма яхшилик, ундан қайтар сенга фақат ёмонлик.
 - ❖ Ҳасадгўй ғирром усуллар билан йўлингга ғов бўлади, асабингни бузишга ҳаракат қилади. Парво қилма, у ўзини-ўзи ҳалок қилади.
 - ❖ Ҳасадгўй гўёки заҳарли илон у заҳрини сочмасдан тура олмайди, лекин бир кун келиб у ўз заҳридан ўзи ҳалок бўлади.
 - ❖ Ҳасадгўйга яқин юрсанг уни касофати уради.

- ❖ Ҳасад қилма ҳавас қил, ҳасад ич этингни еб ўлдиради. Ҳавас эса мурудинга етказди.
- ❖ Ҳаёт ўзи шунақа, кимдир ҳавас қилиб яшайди, кимдир ҳасад.
- ❖ Бошқаларга яхшилик қилиб таъна қилмайдиган одам, сахий одамдир.

Ўзинга раво кўрганларни бошқаларга ҳам раво кўришни ўрган.

- ❖ Ноқобил ўғил ота маслаҳатига қулоқ солмайдиган ўғилдир.
- ❖ Арзанда фарзанд ота она маслаҳатин олмайди, аммо ўзгалар фикрин ва ўз фикрини тўғри деб билади.
- ❖ Фарзанднинг кексайган ота-онасига қилган ғамхўрлиги уларнинг қорнини тўйғазиш билан кифояланиб қолмаслиги, балки уларга меҳр кўргазиши билан ҳам белгиланиши лозим.
- ❖ Ота-она учун фарзанд меҳрига зор бўлишдан дахшатли нарсаяйқ.
- ❖ Сен отанга қандай муносабатда бўлсанг, сени ҳам фарзандларинг шундай эъзозлашади.
- ❖ Аждодларни ёд этиш, ҳурматини ўрнига қўйиб ёш авлодга етказиш бу – муқаддас иш. Буни амалга ошириш эса сизни улуғликка олиб келади.
- ❖ Ёшлар тарбиясида ҳикматларнинг ўрни бекиёс. Уларни ёшларга етказиш эса кексаларнинг бурчидир.
- ❖ Ёшларга маъруза билан панду-насиҳат қилманг. Уларга ҳикматлардан айтиб беринг.

- ❖ Болалар катталарга ҳавас қилиб тезроқ улғайишни хоҳлайди. Кексалар эса ёшлигини қумсаб яшайди.
- ❖ Ёш гўдак юришга ўргангунича неча бор йиқилиб тургани каби инсонлар ҳам хатолар қилиш сўнг уни тушуниб яна олдинга интилиши орқали камолга етади.
- ❖ Педагогик маҳоратни гап билан эмас, амалдаги ҳаракатлар билан шакллантириш лозим.
- ❖ Фарзандлари улғайиб қолишсада, ота-она уларга ёш болаларга қарагандек муносабатда бўлишга ўрганиб қолганлар.
- ❖ Фарзандлар улғайиб қолгандан сўнг ҳам уларнинг ҳар бир хатти ҳаракати учун танбеҳ беравериш яхши эмас. Бу уларда норозилик ҳиссини туғдиради ва сизни хафа қилиб қўяди.
- ❖ Ҳозирги ёшлар тез улғаймоқда. Уларнинг дунё қараши ўзларининг 10-15 йил олдинга тенгдошларидан кескин фарқ

қилади. Улар ўз фикри, ўз дунёқараши ва ўз йўлига эга. Улар билан ҳисоблашиш ҳам керак.

- ❖ Сўнгги йилларда ўзбеклар ўртасида ҳам фарзандлари ҳаёт бўлган ҳолда ота-онасини кексалар уйига олиб бориб қўйиш одат тусига кириб бормоқда. Буни қандай тушуниш мумкин? Қадр – қимматни, меҳр – оқибатни йўқолишими? Ёки ёшларни кексаларнинг танбеҳисиз ҳузур-халоватда яшашга интилишларими?
 - ❖ Қадриятларимиз ҳақида кўп гапиряпмиз, уларга амал қилишга чақиряпмиз. Аммо, реал ҳаётда европага хос қадриятлар ёшлар ҳаётига тобора кўпроқ кириб келмоқда.
 - ❖ Кекса авлоди йўқ жамият узоққа бормайди. Кексалар зулматни ёритиб берувчи ақл чироқларидир.
 - ❖ Кексалар тарбиясини олмай ўсган авлодда меҳр-оқибат бўлмайди. Уларнинг қалбида кибр, ўжарлик, манманлик ва шафқатсизлик меҳр-оқибатга нисбатан кучли бўлади.
 - ❖ Ҳозирги глобаллашув жараёнида ватан тушунчаси қандайдир хиралашиб қолганга ўхшамоқда, чунки аксарият ёшларнинг орзуси хорижда яшаб фаровон ҳаёт кечириш.
 - ❖ Ватандан узоқда енгил ҳаёт кечиришни эмас, балки шу она заминда ҳаёт тарзини яхшилаш ҳақида уйлаш ва меҳнат қилиш керак.
 - ❖ Фарзанд тарбияси ниҳоятда маъсулиятли, сабр-тоқат талаб қилувчи жараёндир. Бу ота-онанинг нафақат ўзлари олдидаги, балки жамият олдидаги бурчлари ҳамдир.
 - ❖ Фарзандингизни ёки яқинингизни хатосини ҳадеб юзига солаверманг, унинг кайфиятини баттар бузасиз. Натижада у дилингизни оғритиб қўйиши мумкин. Уни яхши фазилатларини айтиб, юмшатиб олинг, кейин камчиликларини кўрсатинг.
-
- ❖ Одобли фарзанд ота-онага раҳмат келтиради, одобсиз эса лаънат.
 - ❖ Одобсиз фарзанд насихатга қулоқ солмайди, аксинча насихат қилган кишига қаттиқ сўзлаб дилини оғритади.
 - ❖ Кўпинча катта ҳурмат ва мартабага эга кишилар фарзандларининг ноқобиллиги туфайли азият чекадилар.

- ❖ Ота-онасига вафоси йўқ одамнинг фарзандида ҳам унга нисбатан вафо бўлмайди.
 - ❖ Кексайганда фарзандларининг меҳрига тўйиб, уларнинг ардоғида яшаган ота-она энг бахтли ота-онадир.
 - ❖ Кексайганда фарзанди меҳрига зор бўлиб, хор бўлиб яшаган ота-онадан бахтсиз кимса бўлмаса керак. Лекин, бунга ким айюдор? Фақат ўзинг, ўзинг ва яна ўзинг.
 - ❖ Онаси мақтаган қиздан кўра унинг янгаси, қўни-қўшни ва маҳалла кўй мақтаган қиз одоблироқдир.
 - ❖ Фарзанд кўриш бахт, аммо уни одобли, яхши хулқли қилиб тарбиялаш унданда зиёда бахт.
 - ❖ Ёши катталарга хуш феъллик билан салом бериш фарз, саломга алиқ олиш ҳам фарз, ҳам қарз.
 - ❖ Инсон фарзанди ўз-ўзидан ёмон бўлиб кетмайди, уни ёмон муҳит, ёмон одамлар билан мулоқот бузади ва унда ёмон хислатларни шаклланишига сабаб бўлади.
 - ❖ Фарзандининг турқи бузуқ бўлса ёмон эмас, унинг хулқи бузуқ бўлса ёмон.
-
- ❖ Безори боладан ҳамма безор, чунки у ҳаммага озор беради.
 - ❖ Фарзандингизни сизга нисбатан меҳрли бўлишини истасангиз, унга меҳр кўрсатинг ва самимий бўлинг.
 - ❖ Эй фарзанд! Ота-онанг ўтгандан сўнг улар қабрига мармар тош қўйиб безаш бурчинг эмас, уларни тирикликда эъзозлаш бурчинг эканлигини унутма.
 - ❖ Ноқобил фарзанд бу – сенинг тарбиянг мевасидир.
 - ❖ Ўғлинг эрка бўлса корингга ярамас, қизинг эрка бўлса сенга меҳр қўймас.
 - ❖ Фарзанд тарбияси оғир, эркалаб суйсанг талтаяди, калтаклаб урсанг, ўзингга душман бўлади. Меҳр билан талабчанликни меъёрда тутиб, меҳнатда тарбияласанг яхши инсон бўлади.
 - ❖ Фарзанд тарбиясига энг аввало ота-она масъул. Ёш авлод тарбиясига эса, ота-она, мактаб, маҳалла, жамоатчилик бошқача қилиб айтганда барча масъул.
 - ❖ Агар оилада ахиллик, тинчлик, осойишталик, ҳалоллик бўлмаса, унда ота-онага нисбатан беҳурматлик, парокандалик, нопоклик, бузғунчилик авж олади. Уларнинг олди олинмаса, бундай оила маҳаллага ҳам таъсир қилади. Ёмон иллатларни тарқалишига сабаб бўлади.

- ❖ Аканинг розилигини олмасдан худойига сўйилган қўй ҳам қабул бўлмайди дейишади.
- ❖ Ота вафотидан сўнг ака ота ўрнидадир. Шунинг учун ҳам ака розилигини олиб қилинган иш хайрлидир. Шунда ота-она руҳи чиркирамайди.
- ❖ Фарзандни эъзозлаш, асраб-авайлаш лозим, лекин талтайтириб юбориш керак эмас. Талтайтириш болада ёмон ҳулқни, эгоизмни шаклланишига олиб келади.
- ❖ Фарзандлар ота-онани эъзозлаши, ҳурмат қилиши шарт. Бу уларнинг фарзандлик бурчи. Ноқобил фарзанд кексайган ота-онасини ҳўрлайди, лекин буни ўз фарзандларидан ўзига қайтишини билмайди.
- ❖ Фарзанд тарбиясидек мураккаб, машаққатли ва масъул нарсa йўқ дунёда. Афсус, бунга айрим ота-оналар жуда бепарволик билан қарайдилар. Сўнг эса афсус чекадилар, лекин ўрнига келмайди.
- ❖ Донолар ўртасида улғайган бола доно бўлур, жоҳиллар ўртасида улғайган эса жоҳил.
- ❖ Ҳозирги ёшларни панду-насихат билан эмас, балки уларнинг хатти ҳаракатларини тўғри йўлга солиш, беҳаё ҳаракатларини чеклаш орқали тарбиялаш лозим. Қўй йўқолса бўрини айбдор қилганларидек ёшлардаги қусурларни кўпайишига адреналинни баҳона қилиб кўрсатмаслик керак.
- ❖ Тарбияда бир нарсани ҳадеб қайтаравериш тўғри эмас, гарчи у яхши ва тўғри бўлса ҳам, чунки у тингловчида шу нарсaга нисбатан антипатия келтириб чиқаради.
- ❖ Ҳар бир ота-она фарзандининг қувончини, бахтли бўлишини кўриш умидида яшайди.
- ❖ Баъзи ота-она фарзандини бахтли қиламан деб, унга ёмонлик қилиб қўяётганини билмайди. Билганида эса кеч бўлади.
- ❖ Ўзбекона қадриятларимизда таомиллар кўп. Лекин уларни ҳавасга ва ўз бойлигию мавқеини кўрсатиш воситасига айлантормаслик керак.
- ❖ Нодон билан тортишма у ўзини ҳар доим ҳақ деб ўйлайди.
- ❖ Ўжар киши панд еса ҳам ўз фикридан қайтмайди.
- ❖ Ўз фикрининг маъқуллайвермай ўзгалар фикрига қулоқ солишни ҳам ўрган.

- ❖ Димоғдор, ўзига ортикча бино қўйган одам, ўзгалар фикри билан ҳисоблашмайди. Бу ҳам нодонликдир.
- ❖ Ўжарлик ўз фикрида қатъий туришдир, аммо, ортикча ўжарлик манманликдир.
- ❖ Баъзан ҳақиқатни билиш фожиадир.
- ❖ Нодон бошлиқ танбеҳ берса тортишма, сукут сақла.
- ❖ Баҳс-мунозаралар пайтида қийин аҳволга тушиб қолсангиз сизни ушбу ҳолатдан олиб чиқиб кетувчи ибора “Балки адашаётгандурман” иборасидир.
- ❖ Баҳс-мунозараларда кескинликдан қочинг. Аксинча баҳсни юмшоқ оҳангда боришига ҳаракат қилинг.
- ❖ Суҳбат жараёнида сўзловчи бўлишдан кўра кўпроқ тингловчи бўлган маъқул. Бошқаларни ўзлари ҳақида гапиришларига имкон беринг.
- ❖ Суҳбат ширин бўлсин десангиз, ҳамсуҳбатдошингизга ёққан мавзуларда суҳбатлашинг.
- ❖ Баҳс-мунозарада билағонлик қилиб устоздан ўзма, тўзасан. Унга ҳурмат кўрсатиб, камтарлик билан сўзласанг узоққа борасан, бир кун келиб устозингдан ҳам ўзасан.
- ❖ Етим деб бошин силаб, сўнг унинг ҳаққин ейдиган кимсаларда виждон ҳам, иймон ҳам йўқ.
- ❖ Одам инсофли бўлиши керак, инсофли ҳаммага ёқади, инсофсиздан барча қочади. Инсофсиз одамда иймон ҳам бўлмайди.
- ❖ Иймон бутун, кучли бўлса тўғрилиқ, камтарлик, садоқат, вафо у билан бирга. Иймон кучсизланса уларнинг ўрнини дарҳол киборлик, манманлик ва таъмагирлик эгаллайди.
- ❖ Ўтиқодсиз киши иймонсиз киши билан бир хил.
- ❖ Баҳс – мунозарада сабрли бўлган одам ҳақ бўлади.
- ❖ Ўзини ҳақ деб билган одам рақиб сўзини ҳам сабр билан тинглай билиши керак.
- ❖ Мунозара пайтида суҳбатдошга сўз бермай унинг гапини бўлиб, ўз фикрини ўтказишга уриниш ожизлик белгиси.
- ❖ Нодон билан баҳслашиб ғолиб бўлгандан кўра, мағлуб бўлган яхшироқдир.



- ❖ Амални ортидан қувма, ҳалол меҳнатнинг ўзи уни олдинга олиб келади.
- ❖ Интизом-натижани кафолатловчи омил ҳисобланади.

- ❖ Тартиб бор жойда интизом бор, интизом бор жойда натижа.
- ❖ Қатъий интизом, юқори даражадаги истак-хоҳиш ва ижро маҳорати ғалабага олиб борувчи омиллардир.
- ❖ Осмонга чиқиб ҳаволанма, бир кун ерга қайтиб тушишинг аниқ.
- ❖ Ишчан одамларни ҳамма мақтайди, аммо улар ҳаммага ҳам ёқавермайди.
- ❖ Баъзи раҳбарлар ишчан ва ҳақиқатгўй одамлардан тезроқ қутулиш йўлини излайди.
- ❖ Ўзини кўрсатиш ўз ўрнини сақлаб қолиш учун амалдор одам доим мажлисларда гапириб туриши керак деб ўйлашади баъзи кимсалар бунга амал ҳам қилишади.
- ❖ Ҳар қандай янги бошлиқ ўз атрофида янги муҳит яратишга ҳаракат қилади.
- ❖ Раҳбар учун муҳим ҳислат унга лаганбардорлик қилганларни эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилаётганларнинг меҳнатини қадрлай билишдир.
- ❖ Қилинган меҳнат қадрланмаса кишининг руҳи тушиб кетади, серғайратлилиги йўқолади, лоқайд бўлиб қолади.
Олийжаноб раҳбардан талаб қилинган нарса ҳақиқатга амал қилишдир.
- ❖ Қўл остидагиларни, зарур бўлганда, химоя қила олиш, уларга оғир босиқлик, мулойимлик билан муомила қила билиш, ўз сўзини дўқ пўписа билан эмас, қатиятлилиқ, талабчанлик билан жамоа аъзоларига ўтказа олиш, уларнинг яшаш шароити ва руҳий ҳолатларини тушуниб муомила қила билиши, жамоада доимо соғлом муҳит, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини ярата олиш каби ҳислатларга эга раҳбарни ҳақиқий раҳбар дейиш мумкин. Бундай раҳбар билан эзгу ишларни амалга оширишга ҳеч иккиланмай киришса бўлади.
- ❖ Ўз иззати ва ҳурматида барқарор бўлай деган раҳбар уни ортиқча мақташларига, лаганбардорликка йўл қўймайди.
- ❖ Раҳбар жамоаси аъзолари учун сирли бўлиб қолгани маъқул. Лекин бу улардан кибр билан ажралиб туриш эмас, аксинча, бир оз масофа сақлаш лозим деганидир.
- ❖ Агар раҳбар таъмагир бўлса, унинг қўли остидагилар учун икки йўл бор: бири унга ўхшаш ва ортидан юриш, иккинчиси ўз вақтида ўзини четга олиш, ўйиндан чиқиш. Акс ҳолда уни мажбурлаб кетишга мажбур қиладилар.

- ❖ Ҳар бир паст даражада турган раҳбар ўзидан юқори даражада турган раҳбарга ёқиш мақсадида шаклни беэаб кўрсатишга ҳаракат қилади.
- ❖ Раҳбарлик жуда масъулиятли иш. Уни суистеъмол қилиш, қўл остидаги ходимларнинг соғлигига зарар қилибгина қолмасдан, уларнинг умрига ҳам завола бўлиши мумкин.
- ❖ Қаттиққўла раҳбар қўла остидаги ходимлар кўпроқ юрак ҳуружи ва қон босими касалликларига дучора бўлади.
- ❖ Раҳбар дўқ-пўписа ва танқид қилишдан ташқари ходимларни кўнглини кўтариши, руҳлантириши, зарур ҳолда таскин беришни ҳам билиши керак.
- ❖ Раҳбарнинг вазифаси жамоада ўзаро ҳурматга асосланган соғлом муҳит, ахиллик ва бирдамликни шакллантиришдир. У ходимларига эркин ишлаш учун шароит яратиб бериши зарур.
- ❖ Ҳозир шахснинг ҳар бир дақиқаси чегараланган. Ҳар бир дақиқада қиладиган ишлар, режалаштирилган ишлар шундай кўпки, гўё 24 соат етмайдигандек туйилади.
- ❖ Айрим раҳбарлар шундай кўп топшириқ берадиларки, гоҳида улар куннинг 24 соатдан иборат эканлигини билмасалар керак деган фикрга борилади.
- ❖ Раҳбар доимо инсонлар билан ишлагани учун ҳам муомила маданиятини билиши зарургина эмас, балки шарт ҳамдир.
- ❖ Топшириқларни ҳаддан зиёд кўплиги, уларни бажаришда вақт меъёрини ҳисобга олмаслик, бу топшириқларни бажарилишига нисбатан эътиборсизликни келтириб чиқаради, масъулиятни йўқотади.
- ❖ Қабула қилинган қарорларни кейинроқ ўйлаб кўриб, афсусланиш келгусида нотўғри қарорлар чиқаришнинг олдини олади. Афсусланмаслик эса, яна шундай нотўғри қарорларни чиқарилишига сабаб бўлади.
- ❖ Раҳбарда қўла остидагиларига нисбатан меҳр туйғуси бўлиши керак, акс ҳолда у жоҳил бўлиб қолади. Жоҳиллик эса тўғри қарор чиқаришга тўсқинлик қилади.
- ❖ Раҳбар доим ўзининг қўли остидагиларнинг ҳаёти учун масъулдир. Шу билан бирга у қўли остидагиларни ишончини ҳам қозониши зарур. Уларга буюм сифатида муносабатда бўлмаслиги керак.

- ❖ Порахўр амалдорлар ўз мавқеи ва мансабларини осонликча бировга бериб қўймайдилар.
 - ❖ Амалпараст амалдор ўз мансабидан айрилса, уни қайтариб олиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди.
 - ❖ Бошлиқнинг нўноқлиги ва нодонлиги унинг қўл остдагилар учун бахтсизликдир.
 - ❖ Ҳамма бошлиқ бўлишни хоҳлайди, лекин бошқаришни ҳар ким ҳам эплай олмайди.
 - ❖ Бошлиқ маълум даражада сизнинг фаолиятингиз учун масъул.
 - ❖ Бошлиқни хадеб айблайверманг, ахир унинг ҳам бошлиғи бор.
 - ❖ Жоҳил раҳбар бўлган жойда ақллилар ўзини четга олади.
-
- ❖ Бирор кимсани амалдор эканлиги учунгина ҳурмат қилиш пасткашликдир.
 - ❖ Амал ҳам синов учун берилган, у одамларнинг аслида қандай эканлигини ажратиб берувчи восита холос.
 - ❖ Лаганбардорни тўғри одамдан фарқи шуки, у амалдор олдида доим гирди-капалак, не буюрса бажаришга тайёр. Тўғри одам эса керагида ёрдамга тайёр, бошқа вақтда эса четроқда туришни маъқул кўради.
 - ❖ “Ютуқлар бизники, камчиликлар ҳақида гапириш керак” деганлар янглишади. Хадеб камчиликлар ҳақида эшитавериш ютуққа нисбатан истак-хоҳишни пасайишига олиб келади. Ютуқлар ҳақида гапириш ҳам ўринли, улар кишини руҳлантиради.
 - ❖ Камчиликларни йўқотиш дўқ-пўписа билан эмас, балки одамларнинг ютуқларини келтириб руҳлантириш орқали амалга оширилгани тўғрироқ бўлар эди.
 - ❖ Доимо камчиликларни эшитавериш кишида ўз ишига нисбатан антипатияни келтириб чиқаради.
 - ❖ Одамларни фақат буйруқ, дўқ-пўписа, қўрқитиш билан бирор ишга мажбур қилиб бўлмайди. Аввалига улар бўйсунадилар, лекин бир кун келиб сабр-тоқатлари тугагач, улар бор нарсани қўпориб ташлашга қодирдирлар.
 - ❖ Хафта давомида, баъзан эса дам олиш кунлари ҳам ишлаш кишини асабийлашишга ҳамда иш ритмини бузилишига олиб келади. Бу эса табиийки, руҳий сиқилиш, жисмоний толиқиш, қон томир ва асаб касалликларини кўпайишига олиб келади. Бундан жамиятга не фойда?

- ❖ Одамлар рухий чарчоқдан кутулиш учун ичишга, чекишга ва асабни тинчлантирувчи дориларни қабул қилишга ружу қўядилар.
- ❖ Одамларни ҳар доим иш билан ортиқча банд қилиш, асабий ҳолатда ушлаб туриш, бир кун келиб катта ижтимоий конфликтлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.



❖ Барчага бирдек ёқиш мумкин эмас, унга интилиш эса нодонликдир.

❖ Хатони тан олиш учун ирода ва озгина мардлик керак.

❖ Одамлар бор билмаганин билмайди, билишлигин эса сезмайди. Одамлар бор билмаслигин билади, лекин ҳеч кимга сўз бермайди.

❖ Асар ёзиш иш битди дегани эмас, у кўпчиликка маъқул бўлиши ва одамлар уни севиб ўқиши муҳим.

❖ Димоғдор бўлсанг пастроқ туш, ҳаволанганни ҳеч ким ёқтирган эмас.

❖ Хатосини тан олмаслик ғирромликдир.

❖ Бажаришга кўзинг етмаса, ваъда берма, уялиб қоласан.

❖ Ваъда бердингми, бажар, йўқса бебурд бўласан. Бебурдлик эса марднинг иши эмас.

❖ Унутма! Бойлик бировни камситиш учун берилмайди.

❖ Эгилганга эгил бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккай бошинг кўкка етгунча.

❖ Димоғдор, иззат талаб ва кибирли бўлма, улар сенинг душманинг, улар хатто, яқин дўстларингни ҳам сендан узоқлаштиради.

❖ Обрў талаб бўлма, обрўни хуш ҳулқинг ва меҳнатинг билан топасан.

❖ Обрў ортидан қувиб обрўга эришиб бўлмайди, унга меҳнат қилиб эришган маъқул

❖ Обрў ва амалга бойлик билан эришсанг улар сенга вафо қилмайди, сендан ҳам уларни сотиб олишади.

❖ Бир оғиз ширин сўзингни аяма, нокас бўлма, биргина сўз қанчалар кўнгилни тоғдек кўтаришини, умидсизга умид бахш этишини, хаста дилга малҳам бўлишини билсанг эди!

❖ Бақириб, қичқириш, ўзини боса олмаслик бу заифлик аломати.

❖ Қатъиятлик инсонга хос, қайсарлик – эшакка.

- ❖ Ҳарактер инсоннинг феъл атвори, муомиласи, иродаси, бошқаларга ва атроф муҳитга ҳамда ўз ишига бўлган муносабатларининг мажмуасидир.
- ❖ Кишининг характери унинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ.
- ❖ Аҳмоқ алдаяпман деб ўйлайди, лекин алданаётганини сезмайди.
- ❖ Ўзини бошқаларга тенглаштираверадиган одам ўзининг кимлигини билмайдиган одамдир.
- ❖ Бирор қийинчиликка дуч келганда чекишга ва ичишга ружу қўйган одам иродасиз одамдир.
- ❖ Ҳамроҳинг қувноқ бўлса, узоқ йўлинг ҳам яқин бўлади.
- ❖ Ҳакка ялтироқ нарсага ўч бўлади дейишади. Дунёда ҳаккасимон одамлар ҳам учраб туради.
- ❖ Шарқда яшовчи халқларнинг дунёқарашларида, турмуш-тарзида, куй-қўшиқларида ўзига хослик ва қандайдир яқинлик бор.
- ❖ Ҳар бир инсоннинг бармоғидаги чизиклар бир хил бўлмаганидек, уларнинг яшаш тарзи, ҳаёт йўли ҳам бир хил эмас.
- ❖ Ҳаммага бирдек ёкиш ёки ҳаммани бирдек ёктириш мумкин эмас. Лекин, улар билан бир жамоада ишлаш ва яшаш учун эса бағри кенг бўлиш талаб этилади.
- ❖ Ирим-сиримга ишониш учун содда ва хаёлпараст бўлиш керак.
- ❖ Сизнинг қандай одам эканлигингиз ҳақида ўзгалар фикр билдиргани маъқул. Лекин, унутмаслик керак, ҳар ким ўз қарашига эга. Агар юриш туришингиз, характерингиз унга яқин бўлса, сиз яхши одамсиз, аксинча бўлса, сиз унга маъқул эмассиз.
- ❖ Айрим одамлар Сизни яхши одам сифатида дилдан эътироф этишсада, улар буни билдиришмайди. Бу нима ҳасадми ё ғараз?
- ❖ Инсон баъзан табиат олдида ожиз қолади, лекин шундай бўлса ҳам у табиатни бўйсундиришга ҳаракат қилаверади.
- ❖ «Бир тоши кам» деб кераксиз сўзни айтадиган, ва кераксиз ишни қиладиган одамларни айтиш мумкин.
- ❖ Инсон тасаввурининг чегараси йўқ. У коинот каби чегарасиздир.
- ❖ Инсон доимо ҳақиқатни билишга интилиб келган ва бу интилиш уни ҳеч қачон тарк этмайди.

- ❖ Инсондаги олийжаноблик ота-боболаримиз ўғитлари ва қадриятларимиз асосида шаклланади.
 - ❖ Ўтмишсиз келажак бўлмайди деганларидек ўтмиши йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқ.
 - ❖ Инсон руҳиятини кўтарадиган нарса унинг ўз меҳнати натижасидан олган завқ-шавқдир.
 - ❖ Барча ўғит ҳикматлар ва қадриятларимизни келаси авлодга етказувчи энг муҳим восита уларни ёзувда қайд этиб боришдир.
 - ❖ Дунёдаги барча нарсада ўзига хосликни кузатиш мумкин.
 - ❖ Ўта оғир-босиқ, ғурурли, шунингдек, сабр-тоқатсиз жирраки кишилар ҳазил-мутойибага мойил эмас.
-
- ❖ Кундалик ҳаётимиздаги ахборотларнинг оз қисмигина сақланиб қолади, у ҳам бўлса ёзув туфайли.
 - ❖ Ўзингни қандай одамлигингни билишинг учун ўзингни ўзгалар нигоҳида кўришинг керак бўлади.
 - ❖ Обрў-эътиборга истак хоҳиш ёки зўрлик билан эришиб бўлмайди. Хуш хулқли, камтарин ва меҳнаткаш инсонни унинг ўзи излаб келади.
 - ❖ Бировни мақташ лаганбардорликми ёки манфаатдорлик?
 - ❖ Аввал бор бўлиб, кейин унитилган нарсалар бир кун келиб, келажак авлод ҳаётига янгилик бўлиб кириб келади.
 - ❖ Хато қилиш инсон табиатига хос нарса.
 - ❖ Ҳазрати инсон, ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам руҳан шундай мукаммал яратилганки хайратга тушмасдан иложинг йўқ.
 - ❖ Инсонни улуғловчи ҳислатлар имонли, эътиқодли, ақлли, фаросатли бўлиш ва кўркем хулқдир.
 - ❖ Яхши хулқли киши бировни ғийбат қилмайди. Унинг олдида ҳам, йўқлигида ҳам ҳурмати бажо келтиради.
 - ❖ Тажриба асосида ҳарактер шаклланади. У энг қаттиққўл мураббий.
 - ❖ Инсон қийинчиликларга, азобларга чидайдди, лекин ноҳақликка чидамайди.
 - ❖ Инсон боласи бу дунёга келиши биланок бир парча оқ мато – йўргакка ўралади. Ажабо, бу дунёдан кетаётганда ҳам бир парча оқ матога – кафанга ўралади. У қай ҳолда келса шу ҳолда кетади.

- ❖ Инсон энг ақлли, олий мавжудот. Аммо, бу дунёдан ҳеч нарса олиб кета олмаслигини била туриб, бу дунёда уй-жой, ер-сув, бойлик, амал ва мансаб талашиб, бир-бирларига жабр етказди, дилни оғритади, разиллик қилади, ўлдиради, қиради. Ахир бу инсон деган улуғ номга иснод эмасми?!
- ❖ Катталарга ҳурмат билан салом бериш одоблилик белгисидир.
- ❖ Кексалар жисмонан қарисаларда, руҳан ёш бўлиб, ёшликни эслаб яшайдилар.
- ❖ «Сен» ҳам, «Сиз» ҳам бир оғиздан чиқади, аммо уларнинг маъноси ва таъсири ҳар-хилдир.
- ❖ Совуқ гап юракни музлатар, яхши гап қалбни илитар.
- ❖ Отилган ўқ танни жароҳатлайди, айтилган ноҳақ сўз қалбни.
- ❖ Одам ёши ўтган сайин кўп гапиришга мойил бўлиб қолади. Аммо, кексаликни эзмаликка йўймаслик керак. Кексалик эзмалик эмас. Кексаларнинг маслаҳати кони фойда.
- ❖ Калит билан очилади уй қулуфи, ширин сўзла очилади дил қулфи.
- ❖ Сув шарқираб сойга оқар, яхши сўз қулоққа ёқар.
- ❖ Қалами ўткир шеър ёзади, сўзи ўткир дил ёзади.
- ❖ Инсон умри давомида ўзидан қандайдир яхши нарса қолдириб яшашга интилади. Бу энг аввало яхши фарзанд, яхши ном, яхши боғ, яхши дўст демакдир.
- ❖ Инсон умри давомида бахтга интилиб яшайди. Аммо, ҳаётнинг ўз қонун-қоидалари, аччиқ ва ширинлари, баланд-пастлари, хурсандчилик ва қайғулари бор. Кимдир бу бахтга эришади, кимдир йўқ. Бу дунёда бахтли бўлолмаганларни охирати обод бўлсин.
- ❖ Шундай одамлар борки, мартабалари улуғ бўлса ҳам барчага баробар муомалада бўлади. Ўта камтар, одамохун, суҳбати ширин, дил чигалини ёзади. Барча улар суҳбатида бўлишга интилади.
- ❖ Аммо, минг афсуски, шундай одамлар ҳам борки, мартабалари улуғ, қўл остидагиларни одам ўрнида кўрмайди, қўл бериб сўрашиш тўғри келиб қолса қўлининг учини беради, виқор билан, баланддан келган ҳолда муомала қилади. Уларнинг тили заҳар, ўзлари кўпол. Фақат лаганбардорларни ҳисобга олмаганда кўпчилик уларнинг суҳбатидан қочишга ва улар билан кўришмасликка ҳаракат қилади.
- ❖ Истеъдод билан камтарлик кўшилганда улар кишилар қалбидан чуқур ўрин олади. Истеъдод билан такаббурлик

қўшилса, кишилар қалбидан ўрин ололмайди. Тез орада унут бўлиб кетади.

- ❖ Ҳиёнат ва макр чиройли кўзлар ва сўзлар ортига яширинган бўлса, уни то ақл кўзи билан кўриб, қулоқ билан эшитмагунча аниқлаб бўлмайди. Бу содда диллар улар домига тушиб қолаверади.
- ❖ Олдимиздаги нарсанинг қадрига етмаймиз, лекин у қанчалик узоқлашса, унга шунчалик зор бўлаверамиз, унинг кадри шунчалик ортиб бораверади.
- ❖ Кўпчилик «кунинг беташвиш бўлсин, яъни ташвиш бўлмасин» дейишади. Лекин, ташвишнинг ҳам бўлиб тургани яхши. Инсон бу ташвишни йўқ қилиш учун ҳаракат қилади, олға интилади. Демак, ташвиш ва муаммолар тараққиёт учун турткидир.
- ❖ Ҳурмат қилиб ёки бирор яхшилик қилиб, сўнг таъна қилиш одобдан эмас.
- ❖ Дўстлар даврасида, умуман, кўпчилик олдида ҳадеб телефонда сўзлашавериш нафақат одобсизлик, балки манманлик белгиси ҳамдир.
- ❖ Суҳбат ёки бирор масалани муҳокама қилишда босиқлик ўзига ишончни билдиради. Жирракилик эса ожизлик аломати.
- ❖ Ўзида кечирим сўрашга куч топа олган одам ақлли ва доно одамдир.
- ❖ Ўз нафсини енга олган одам энг кучли одамдир.
- ❖ Бу дунёга келиб бирор хайрли иш қилмай кетиш, ҳаммомга кириб ювинмай чиқишдек гап.
- ❖ Инсон дили тубсиз уммон. Яхшилигу, ёмонлик унга жо бўлаверади. Бири уни шод этиб яйратади...бири эса чил-чил синдиради. Афсус...
- ❖ Ақл-заковатни ўсиб бориши инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириши учун янги-янги усулларни излаб топишга ундайди.
- ❖ Қадимда девор экинларни ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун яратилган экан, ҳозир эса одамлар ўз ҳовли-жойларини баланд деворлар билан ўраб олишга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса уларни бир-бирларидан ажралиб қолишига ва меҳру-оқибатни йўқолишига олиб келади.

- ❖ Яхши, камтарин инсон амалга ўтирса, ундаги камтарлик ўрнини аста-секин манманлик эгаллай бошлайди. Манманлик, кибор бор жойда эса камтарликка ўрин йўқ.
 - ❖ Инсон табиати қизиқ... баъзан севиб туриб севишидан нафратланади ва аксинча, нафрат билан, яъни нафратланиб яшасада севишда давом этади...
 - ❖ Қўрқинч асосида кўрсатилган жасорат, ўз кучингизга ишонч ҳосил қилади ва келгусидаги жасоратларингиз учун пойдевор бўлади.
 - ❖ Тирикларнинг мархумлар олдидаги бирдан-бир қарзи уларнинг руҳини ёд этиб дуо қилиш ва қабрларини зиёрат қилишдан иборат холос.
- ❖ Аслида даҳолар ҳам оддий одамларга ўхшаш. Улар ҳам бу дунёга келади ва кетади. Фарқи шуки, уларнинг номлари ва қилган ишлари сақланиб қолади.



- ❖ Жисмонан кучлини кўпчилик бўлиб енгиш мумкин, аммо руҳан кучли кишини енгиб бўлмайди.
- ❖ Ортиқча мақтов инсонни бузади, уни кибрга мойил қилади, оғудек домига тортади.
- ❖ Ширин мактовга учиб алданиб қолма, мактаётганнинг дилида нима борлиги фақат унинг ўзига аён.
- ❖ Лаганбардор мактаб толмайди, макталаётган эса алданганин билмайди.
- ❖ Мақтанчоқнинг гапига қулоқ солиб, унинг ишига баҳо берма. Унинг гапини тингла, сўнг ишини кўр ва баҳо бер.
- ❖ Кайфиятинг чоғ, руҳинг баланд бўлса, бутун олам чороғон кўринади. Аммо тушкунликка тушган чоғингда эса, ёруғ олам ҳам қоронғу.
- ❖ Дунё кўзингга тор кўринса, ҳаётдан тўйсанг қабиристонга бор, мархумларни ёд эт, тириклигингга шукур қил кўнглинг таскин топади.
- ❖ Ниятларнинг мутаносиблиги, туйғуларнинг уйғунлиги, руҳиятнинг яхшилиги кишиларни бир-бирларига яқинлаштирувчи омиллардир.
- ❖ Ички туйғуга ишониш мумкин, лекин ақл тарозисида ўлчаб иш кўрган маъқул.

- ❖ Ёқтирмаган одам билан суҳбатлашиш учун мавзу ҳам топилавермайди.
- ❖ Виждон устунлик қиладими ёки жиғилдон? Баъзан улар тўқнаш келиб қолишганда, афсуски, жиғилдон устунлик қилар экан.
- ❖ Инсон боқий дунёни ўз кўзлари билан кўриб, билиб идрок этади, рухий дунёни эса қалб кўзлари ила сезса керак.
- ❖ Инсон қалбидан яхшилик ва ёмонлик, олийжаноблик ва ёвузлик жой олган. Ҳаёти давомида уларнинг қай биридан қай даражада фойдаланиш унинг ўзига яъни ақл фаросатига боғлиқ.
- ❖ Куй инсон руҳиятига, унинг ҳарактерини шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Айниқса, классик куйлар улуғворликни тараннум қилган ҳолда, унинг ҳарактерида оғир-босиқликни, ўйлаб, ақл билан иш кўриш ҳислатларини шакллантиради.
- ❖ Ортиқча кибр-ҳаво ёвузликка ундовчи шайтоннинг ўзидир.
- ❖ Қалбдан айтилган сўзлар тиниқ, булоқ суви каби тоза ва мусоффофир.
- ❖ Кибр ва донолик бир-бирига душман. Кибрли киши доно бўлолмайди.
- ❖ Кибрлига ҳамроҳ бўлсанг балога йўлиқасан. Донога ҳамроҳ бўлсанг мақсадга эришасан.
- ❖ Кибрлик билан обрўталаб бўлма, камтар бўл, камтарлик инсонни безовчи ҳислатлардан ҳисобланади.
- ❖ Нотўғри нарсани тўғри деб ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилган одам муттаҳамдир.
- ❖ Баъзан одамларга оқни оқ, қорани қора эканлигини исботлаш қийин бўлади, чунки улар тушунишни хоҳлашмайди.
- ❖ Киши қайғуга ботиб, дунё кўзига тор кўринганда бир суҳбатдошга эҳтиёж сезади, унга кўнглидагини тўкиб солгиси келади. «Одам тафтини одам кўтаради» деганлари шу бўлса керак.
- ❖ Қувончдан, шодликдан юзларинг ёниб, ҳаёт кўзингга бахтга тўла бўлиб кўринган чоғингда ҳам бир ҳамсуҳбатга эҳтиёж сезасан, у билан қувонч ва шодлигингни бахм кўришни истайсан. «Одам одам билан тирик» дейишади.
- ❖ “Катта кўлда кичкина балиқ бўлгандан кўра кичкина кўлда катта балиқ бўлган яхшироқ” дейишади. Шунингдек, машхур,

аммо ёмон одам бўлгандан кўра, кўпчилик танимайдиган яхши одам бўлган маъқулроқ. Сиз нима деб ўйлайсиз?

- ❖ Дардлашиш нима? Ширин суҳбатми ё ғийбатми? Менимча, бу суҳбат мазмунига боғлиқ.
- ❖ Дардлашиш, кўнгилдаги алам, ситам, дардларни тўкиб солиш демакдир. Дардлашсанг енгил тортасан. Лекин ҳаммага дардингни тўкиб солаверма. Сени тушунадиган, қалбинг ғуборини кетказадиган ҳамдард билан дардлаш.
- ❖ Дардман кишининг дардини енгиллатмоқчи бўлсанг унинг сўзларини диққат билан тингла, ширин сўзларла, кўнглини кўтар, ҳикматли гаплардан айтиб бер, заррача бўлсада ёрдамнинг тегар бўлса, ёрдамнингни аяма.
- ❖ Дардманнинг юзи кулиб турса ҳам қалби йиғлаб туради. У барча нарсага бефарк. Унинг дардини енгиллатиш, қалби ғуборини кетказиш олийжанобликдир.
- ❖ Бировни хафа қилиб, қон босимини кўтариб, касал қилиб ётқизиб қўйиш ва унинг ўлимини кутиш ўта кетган аблахлик, қотиллик ва худобехабарликдир.
- ❖ Инсонга руҳий ёрдам бўлмаса, хатти-ҳаракатнинг ўзи унга доим муваффақият олиб келавермайди.
- ❖ Албатта, «ҳаракатда баракат» деган нақл бор, лекин ҳаракат билан бирга унга руҳий ёрдам ҳам керак.
- ❖ Тараққий этган мамлакатларда одамларнинг руҳшуносларга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб борапти. Бу юксак тараққиёт билан боғлиқ руҳий чарчашдан бўлса керак.
- ❖ Руҳий тушкунликка тушиб қолган одамни ақл бошқармайди. Уни ҳиссиёт бошқаради.
- ❖ Сўнгги йилларда руҳий тушкунликка тушган ёки руҳий ҳолат измида бўлиш натижасида одамларнинг катта-катта жиноятларга қўл уриши тобора кўпайиб бормоқда.
- ❖ Ўз нафсига ҳокимлик қилаолган одам, ўз ҳиссиётларига ҳам ҳокимлик қила олади.

- ❖ Кибр, манманлик, ўринсиз ғурур сизни халокатга етаклашини унутмаслик керак.
- ❖ Жамоадан ажралган кишигина ёлғизлик нима эканлигини билади.
- ❖ Дарахт ҳам тупроқдан озиқ олганидек, инсон ҳам фақат жамоада ўсади, улғаяди ва камол топади.



- ❖ Тарихчи учун энг муҳим нарсa жамиятда кечаётган воқеа ходисаларни рўй рост баён қилишдир.
 - ❖ Агар тарихчи воқеа ва ходисаларни ўз манфаатларидан ва субъектив қарашларидан келиб чиқиб баён қилса у тарих эмас, балки тарихга берилган шарҳ халос.
 - ❖ Энг яхши ва тўғри тарих бошидан кечириб кўриб, яъни жамиятда кечётган воқеа ва ходисалар ичида бўлиб ёзилган тарихдир.
 - ❖ Табиатдаги нарсалар шундай мутаносибликда яратилганки, баъзан уларни тушунтириб беришда инсон ақли ожизлик қилади.
 - ❖ Иқтидори ва ақл-идрокини эзгулик йўлида хизмат қилишга бахшида этган одамлар юксак маънавиятга эга инсонлардир.
 - ❖ Иқтидорли бўлишнинг ўзи бўлмайди. Уни ақл билан ривожлантирилгандагина буюк мақсадларга эришиш мумкин.
-
- ❖ Тарихни бузиб талқин қилувчилар энг буюк ёлғончилардир.
 - ❖ Тарихни ўзгартириб бўлмайди, тарихий воқеалар келажак авлодга ёқадими ёки ёқмайдими уни ўзгартириш мумкин эмас. Тарих тарихлигича қолиши керак.
 - ❖ Тарихчининг бурчи ва вазифалари воқеаларга ўз бурчи ва муносабатини билдириш эмас, уларни бор холича қайд этиб боришдир. Чунки ҳолатлар айнан шу холи бўйича фақат бир мартагина содир бўлади.
 - ❖ Агар тарихчилар содир бўлаётган воқеаларни ўз дунёқарашларига мослаб қайд этиб боришса, келажак авлод ҳеч қачон ҳақиқатни тушуниб етмайди.
 - ❖ Ўзгаришлар, сиёсий қарашлар ўзгариши мумкин, лекин тарих ўзгармайди.



- ❖ Ёшларни тушуниш учун уларни ёшлик кўзи билан кўриш керак, кексаларни эса кексалик.
- ❖ Ёшлар бузилиб кетяпти дейишади. Йўқ, буни даврнинг ўтиши, ўзгариши, янгиланиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Ёшлигимизда биз ҳақимизда ҳам шундай дейишган.
- ❖ Агар, болалик шўх оқар жилға бўлса, ёшлик хайқириб, жўшиб оқувчи дарёдир.

- ❖ Ёшлар бор экан жамият тараққий этиб бораверади, ёшлар жамият келажаги.
 - ❖ Ёшликда қилинган хатоларни кечириш мумкин, чунки ҳаёт тажрибаси хатолар орқали тўпланади. Лекин кексаликдаги хатони кечириб бўлмайди.
 - ❖ Вақт билан умр ҳамоҳанг. Вақт ўтган сайин умр ҳам ўтаверади. Шунинг учун вақтингни бекор ўтказма, чунки умринг ҳам бекор ўтади.
 - ❖ Вақтдан тўғри фойдаланган кишининг умри бесамар кетмайди.
 - ❖ Ҳаёт қийинчилик ва муаммоларга тўла, шунинг учун ҳам уни янада қийинлаштириб муаммоларни кўпайтиришнинг нима кераги бор?
 - ❖ Бир кун келиб ўзини осмонда деб юрганлар ерга тушади, ерда камтарона юрганлар эса осмонга чиқиши мумкин. Буни ҳаёт дейдилар.
 - ❖ Сотувчи молини қимматроқ сотишни ўйлайди, олувчи харидор эса арзонроқ бўлишини. Лекин, савдодан ҳар иккиси ҳам мамнун бўлиши мумкин.
 - ❖ Осон эришилган ютуқ, шунчалик осонлик билан бой берилиши мумкинлигини ҳамма ҳам билавермайди.
 - ❖ Кексалар доим олдинги ҳаёти – ёшлиги ҳақида кўпроқ гапиришни ёқтиради.
 - ❖ Ёшлар давраси кўпроқ латифаларга мойил, лекин уларга ҳикматлар ҳақида ҳам оз-оз бўлсада эслатиб қўйилса ёмон бўлмайди.
-
- ❖ Шириннинг ширинлигини, аччиқнинг аччиқлигини яхшининг яхшилигию ва ёмоннинг ёмонлигини билиш ва қадрига етиш учун уларнинг барчасидан тотиб кўриш ва бошдан ўтказиб кўриш лозим. Шундагина шириннинг ва яхшининг қадрига етиш мумкин.
 - ❖ Ҳаёт ўтган сари кундалик турмуш икр-чикирлари тобора қийинлашиб, кўпайиб бораётгандек туйилади.
 - ❖ Кундалик турмуш ва ишимизда олдимизга қўйилган талаблар кундан-кунга ортиб бораверади. Қачонгача давом этади деб ўйларсиз балки. Жавоб тайёр: умрингизнинг охиригача. Ахир, буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт эса доим олдинга бораверади.

- ❖ Инсон туғилибдики, табиат билан олишади, уни ўзгартирмоқчи бўлади. Аммо, бир кун келиб у ўзининг табиат олдида нечоғлик ожизлигини тушуниб етади.
 - ❖ Ўтмишга таянган ҳолда келажакка қараб борилади. Ўтмишсиз келажак бўлмайди.
 - ❖ Аждодлар қадриятларини қадрлаб, янги қадриятлар яратилади.
 - ❖ Бу дунёда сиру-синоатлар кўп. Уларни ечиш учун вақт, сабр ва илм керак.
 - ❖ Ҳаётдаги ноҳақликка қарши чиқсанг ёлғизланиб қоласан, шунинг учун ҳам баъзан ҳаёт оқимиға қараб сузишга тўғри келади.
-
- ❖ Баъзи одамлар учун ҳаёт театр, улар ўзини гоҳ у ролда, гоҳ бу ролда кўришни хоҳлайдилар. Аммо, ҳаётда рол ўйнаб бўлмайди унда фақат ўзлигингда намоён бўлишинг керак.
 - ❖ Ҳаётда бўлиб ўтган воқеалар қадрли кўринади. Шунинг учун ҳам кексалар доим ёшликни кўмсайди. Ёшликдаги нарсалар улар учун қадрлидир.
 - ❖ Ўтган умрингга разм солиб, бажарган ва бажара олмай қолган ишларингни сарҳисоб қилган ҳолда олға интилиб яшаш керак.
 - ❖ Оиладаги меҳр-оқибат оила тинчлик фаровонлигини таъминловчи мезондир.
 - ❖ Оиладаги тинчлик, фаровонлик маҳалладаги тинчлик фаровонликни, маҳалла тинчлиги ва фаровонлиги қишлоқ ва шаҳар фаровонлигини, буларнинг барчаси эса юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардир.
 - ❖ Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам ва фаровон бўлади. Бундай жамиятда яшовчилар бахтли одамлардир!
 - ❖ Ҳаёт сизга гўзал кўринишини истасангиз сиз ўзингиз ҳаётга гўзаллик кўзи билан қаранг.
 - ❖ Ҳаётда нелар бўлмайди дейсиз... Баъзан айтилиши керак бўлган сўзни айтмайдилар. Баъзида эса, айтилиши керак бўлмаган жойда бу сўзни айтиб қўядилар. Умидлар парча-парча бўлади... Дил яраланади...
 - ❖ Омадли кишиларга доим омад ёр бўлади, чунки улар ҳар бир ишга ишонч билан киришадилар. Омадсиздан омад юз

ўтиради, чунки у ишнинг муваффақиятли якунига ишончсизлик билан қарайди.

- ❖ Турмуш муросадан иборат. Агар турмушда муроса бўлмаса, бундай турмушда хузур-ҳаловат ва тинчлик бўлмайди. Бу эса оилани йўқолишига олиб келади.
- ❖ Ҳаётдан ҳадеб нолийверманг, укувсизлар бундан минг йиллар илгари ҳам нолишган, бундан кейин ҳам нолийверишади
- ❖ Бу дунё ўткинчи дунё. Ундан кимдир отда ўтади, кимдир пиёда. От минишни ҳам билиш керак.
- ❖ Бу ҳаёт синов учун берилган. У инсонларни яхши-ёмонга, жоҳилу-мўъминга ажратади.
- ❖ Бу дунё кенг дунё. Лекин у торга торлик қилади, кенгга эса кенглик.
- ❖ Ҳаёт теккис эмас, у тўсиқлардан иборат. Шу тўсиқлардан ўта олсанггина бу ҳаётдан жафо эмас, вафо кўрасан.
- ❖ Умр ҳам юксак нуқтага чиққанидан сўнг пастга қараб кетади. Режалаштирилган ишларни бажаришга улгурмоқ керак.
- ❖ Пулга хирс қўйма,  бойлик ортидан қувма, бориға шукр қилиб яшаган маъқул.
- ❖ Осон бойликка эришган киши уни қадрига етмайди. Бойликни мисқоллаб терган кишигина унинг қадрига етади.
- ❖ Маълум мақсадни кўзлаб қилинган сахийлик, сахийлик эмас.
- ❖ Нопок йўл билан топилган бойлик бахт олиб келмайди.
- ❖ Орзунинг чеки йўқ, орзуга айб ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам келажакка умид билан қараган ҳолда бугунги кун билан яшашни унутмаслик керак.
- ❖ Бойликни узоқ вақт сир тутиб бўлмайди. У ўзини фош қилиб қўяди. Бунга кўпроқ тил ва хатти-ҳаракат сабабчидир.
- ❖ Бойлиги кўп бой эмас, балки назари тўқ бойдир.
- ❖ Назари оч бой бойликка интилиб яшайди, назари тўқ камбағал ҳам бой бўлишни хоҳлайди, лекин шукр қилиб яшайди.
- ❖ Бир-бирларин хафа қилиб, урушиб, жанжаллашиб, бойлик ва амал талашадиган кимсалар нахотки, бир келиб кетадиган бу дунёдан ҳеч бир вақо олиб кета олмасликларини билмасалар?!
- ❖ Бой бўлсада бошқаларга фойдаси тегмаган одамдан камбағал бўлса ҳам, ўзгаларга фойдаси теккан одам яхшироқ.

- ❖ Бахт тушунчаси жуда ҳам кенг, у чексиз. Бахтни кекса-ю, ёш ўзича тасаввур этади. Бахтли бўлиш бу – индивидуал хусусият.
- ❖ Орзу ва умид, булар қўшалок тушунча. Лекин, орзу-хаёлат, умид-реаллик маъносини англатади деб ўйлайман.
- ❖ Орзу тушунчаси ҳам бахт тушунчаси каби чексиз. Орзуга эришилса яна янги орзулар туғилаверади.
- ❖ Орзуни бахт деб тушунманг. Чунки инсон умри давомида ниманидир орзу қилиб, унга интилиб яшаши мумкин. Ҳамма орзулар ҳам рўёбга чиқавермайди. Бундай ҳолатда умр бўйи сизни «бахтсизман» деган тушунча тарк этмайди.
- ❖ Бахтли бўламан десангиз уни узоқдан изламанг. Бахт шундоққина ёнингизда, унга етишиш, уни ҳис қила-билиш бу ўзингизга боғлиқ.
- ❖ Қувонч билан ўтказган ҳар бир он, ҳар бир дақиқа ва ҳар бир кунингизда сиз бахтлисиз!
- ❖ Бахтни, бахтлилиكنинг нашидасини суриш учун бахтсизликни ҳам бошидан кечириб кўриш керак. Шундагина инсон ҳар бир бахтли онларнинг қадрига етар эди.
- ❖ Бахт тушунчаси жуда кенг, лекин оилавий бахт, оиладаги бахт бирламчидир. Оилада бахтли бўлган одам энг бахтли одамдир!
- ❖ Пул топишга, бойлик орттиришга бўлган интилиш санъатга ҳам кириб келмоқда. Бу инсон руҳиятига, тарбиясига зид бўлган санъат асарларини пайдо бўлишига олиб келмоқда.
- ❖ Пул ортидан қувиб бойликка ружу қўйиш манъанавий қашшоқликка олиб келади.
- ❖ Дарди пул бўлган одамларда жигарлик меҳри бўлмайди. Бундай одамлардан акалик, укалик, опалик ёки сингиллик меҳрини кутманг.
- ❖ Вақтни тежаш керак, у бебаҳо бойлик. Бунинг учун эса тартибли, саранжом-саришталик талаб этилади.
- ❖ Режали ишнинг натижаси ҳам аниқ бўлади.
 - ❖ Орзунинг чеки йўқ. У доим олдинга интилади. Орзу ушалгандан сўнг эса яна янги орзулар пайдо бўлаверади.
- ❖ Умид муваффақиятга эришиш йўлидаги маёқдир.
 - ❖ Сенга қарши фитна уюштирилса уни узоқдан эмас, яқиндан ахтар.
 - ❖ Фитна уюштирган, натижани тезроқ билишга қизиқади.

- ❖ Ортиқча қизиқувчанлик бошингга бало келтириши ҳам мумкин.
- ❖ Очган нарсани ёпишни, олган нарсангни эса қайтаришни унутма.
- ❖ Оловни ёққандан сўнг ўчиришни унутма.
- ❖ Қарз олсанг қайтаришни, ифлос қилсанг тозалашни унутма.
- ❖ Бирор нарсани олсанг ўрнига қайтариб қўйишни унутма, чунки у бошқаларга ҳам керак бўлади.
- ❖ Сенга алоқаси йўқ ишга аралашма, сўнг пушаймон бўласан.
- ❖ Шилқимлик қилган кечирим сўрашни унутмаслиги керак.
- ❖ Берилган вазифани ўз вақтида бажар сўзининг устидан чиқиш марднинг иши.
- ❖ Ажаб дунё, ишлаган эмас, ишлатган бойийди, шу-нингдек, маҳсулот яратган эмас, уни сотган бойийди.
- ❖ Кучли рақибга ютқазиш уят эмас, лекин шармандаларча ютқазиш уят.
- ❖ Вақтида сабр қила билиш келгусидаги ғалабалар учун замин тайёрлайди.
- ❖ Жамоавий ўйин мудофадан бошланади.
- ❖ Ҳамма машхурликка интилади, лекин унга эришгандан сўнг тубанликка шўнғиётганини сезмайди. Унутма, ой ҳам энг баланд чўққига чиққандан сўнг, пастга шўнғийди.
- ❖ Такдир борлигини, уни нималигини билишади, лекин тан олгилари келмайди.
- ❖ Танқид қалампирга ўхшайди, уни ҳамма ҳам ёқтиравермайди, лекин фойдаси кўп.
- ❖ Ҳар қандай янгилик осонликча қабул қилинавермайди. Унга мослашгунча анча вақт керак бўлади.
- ❖ Эркак кишилар ҳаракатланаётган нарсани тез ва аниқ пайқайдилар, аёллар эса ҳаракатланмаган нарсаларни ёдда яхши сақлаб қоладилар.
- ❖ Хатоларни ва ҳақиқатни тан олиш жуда қийин. Лекин уларни тан олиш учун ўзингда куч топа билиш мардлик ҳисобланади.
- ❖ Сўзинг билан ишинг бирлиги обрўйингни орттирувчи омиллардир.
- ❖ Хатони ўз вақтида тан олиш виждон азобидан куткаради.
- ❖ Дунёқараши турлича кишиларни ҳам манфаатлар бирлаштиради.

- ❖ Кечкурун сайр қилиш фойдали, у фикрни тиниклаштириб уйқуни яхшилайд.
 - ❖ Атайин чиқарилган шов-шув асл мақсадни яширувчи омиллардан бири.
 - ❖ Ёши бир жойга етган одамнинг фикр-мулохазалари унинг ҳаёт тажрибаларига асослангандир. Шунинг учун ҳам уларни қадрламоқ керак.
 - ❖ Ёлғиз одамнинг қахрамонликка эришиши жуда қийин. Аммо уни жамоа қўллаб турса бу осон кечади.
 - ❖ Якка сиёсатчи бўлмайди. Унга доим маслакдошлар керак.
 - ❖ Бурчга содиқлик, шу эл-юртга, она заминга содиқликдир.
 - ❖ Ичкилик кўп холларда муаммоларни ечиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин.
 - ❖ Бирор муаммони ечишда шошилиб хулоса чиқаришга шошилманг. Масаланинг барча томонларини обдон ўйлаб кейин хулоса чиқаришга одатланинг.
 - ❖ Кўрқинч сезгисини ёдга солган сайин унинг таъсир кучи ортиб бораверади.
-
- ❖ “Етти ўлчаб бир кес” дейишади. Аммо баъзида муаммо ечими устида хаддан зиёд ўйлаш хатога ҳам олиб келиши мумкин.
 - ❖ Бурчга содиқлик – баъзида ўз истак хоҳишига қарши чиқа олиш демакдир.
 - ❖ Бирор ишга киришишдан олдин шов-шув кўтариш керак эмас. “Жўжани кузда” санайди дейишади.
 - ❖ Юксак мақсадларни кўзлашнинг ўзи ҳам катта гап.
 - ❖ Ҳеч қачон адашмайдиган одам, бу фикр қилмайдиган одамдир.
 - ❖ Хато қилишдан кўрқма, хатони тузата олмасликдан кўрқ.
 - ❖ Ўлим ҳақ, уни кечиктириш мумкин, лекин рад қилиб бўлмайди.
- 
- ❖ Ҳис туйғуга ишон, лекин хулосани ақл билан чиқар.
 - ❖ Аввал бурчингни бажар, сўнг фойдани кўзла.
 - ❖ Пулинг ошиб тошсада, бошинг кўкка етсада, истакларинг дарҳол амалга ошсада, ҳаволанма, барча нарсага қодирман дея. Унутма! Барчасига фақат яратгангина қодир.
 - ❖ Барча таклифларга қулоқ сол, аммо, қай бирини олишни, ақл тарозиси-ла ўлчаб ол.
 - ❖ Тентакнинг гапига ҳам қулоқ сол, ундан ҳам баъзан яхши фикр чиқиб қолади.

- ❖ Ҳаммадан зўрман деб ҳаволанма, кеккайма. Аммо, зўрдан зўр чиқса аҳволинга вой.
- ❖ Ўз фикрида қатъий туриш яхши лекин, уни ўзгалар фикри билан солиштириб ақл, билан иш кўрган маъқул.
- ❖ Бир марта хато қилдингми, уни қайтармасликка ҳаракат қил. Агар бу хатони яна бир такрорласанг, ақл билан ўз хатти-ҳаракатингни жиддий ўйлаб кўр. Мабодо уни учинчи бор такрорласанг ё ношуд тектаксан, ё ўта қайсар ўжарсан. Лекин ўйлаб кўр, «кўр ҳам хассасини бир марта йўқотади» дейди халқимиз.
- ❖ Фикрингни доим тиниқ қил. Миянгдан бемаъни ўй-хаёлларни чиқариб ташла. Ана шунда бемаъни хатти-ҳаракат қилишни олдини олган бўласан.
- ❖ Вақтни тежанг, уни қайтариб бўлмайди. Афсус бунинг қадрига вақт ўтгандан кейингина етишади.
- ❖ Бахтли бўлай десанг, орзу билан чекланма, унга эришиш учун ҳаракат ҳам керак.
- ❖ Маслаҳатни унга эҳтиёж сезганга бер, эҳтиёж сезмаганга эса гапириб овора бўлма.
- ❖ Мақсадга эришиш учун тинмай излан, меҳнат қил, бир кун келиб унга албатта эришасан.
- ❖ Қийин аҳволга тушсанг дўстингга, яқинларингга суян, лекин осилиб олма.
- ❖ Ношудга аввал маслаҳат бер, кейин эса ёрдам, лекин шундан сўнг ҳам ўзгариш бўлмаса (яъни ношудлигин қўймаса) ўз холига ташлаб қўй.
- ❖ Кишининг билими, характери, сўзига қараб эмас, унинг нималарга эришганига қараб хулоса чиқар.
- ❖ Жамиятга, унинг тараққиётига қараб қарашларингни ўзгартириб боришга ҳаракат қил, фақат ўликларгина қарашларини ўзгартирмайди.
- ❖ Вафот этгандан кейин ҳам яшашни истасанг ўзингдан яхши боғ, ёки яхши асар ва яхши ном қолдир, токи сени олийжаноб саховатли инсон сифатида эслаб юришсин.
- ❖ Ўжар одамга ҳақиқатни тушинтираман деб овора бўлманг. У барибир буни қабул қилмайди. Бу тоифадаги одамларга ҳақиқатни гуёки улар билар эдию, лекин ёдларидан кўтарилиб қолган тарзда етказиш мумкин.
- ❖ Ҳеч қачон мунозара пайтида суҳбатдошга “мен сизга ўргатиб қўяман” тарзида гапирманг. Бу унда ички норозиликни

келтириб чиқаради ва қандай бўлмасин сизга қарши далиллар излай бошлашига сабаб булади.

- ❖ Бошқалардан ақллироқ бўлишга ҳаракат қилинг, лекин уни бошқаларга сездирманг.
- ❖ Агар суҳбатдошнинг фикри нотўғрилигини билсангиз буни унинг юзига солманг, аксинча, “Қаранг-а, мен уни бошқача тушунар эканман, балки адашаётгандурман” деб ўз фикрингизни баён қилганингиз маъқул.
- ❖ Одамларга озгина бўлсада яхшилик қилинг, уларни тушкун кайфиятдан олиб чиқиш-бу савоб иш.
- ❖ Кишилар билан муносабатда ўзингизни улардан устун қўйманг, шунингдек, камситилишингизга ҳам йўл қўйманг.
- ❖ Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтар, кўрнамақлик қилма!
- ❖ Бировнинг кўнглини оғритма, чунки бир кун келиб кимдир сенинг кўнглингни ҳам оғритади.
- ❖ Кексайиб қолган ота-онанг сенинг қўлингга қараб қолса, асло улардан юз ўгирма, қўлингдек келганича уларга меҳрибонлик қил. Бу фарзандлик бурчинг.
- ❖ «Бир олмоқни бир бермоғи бор» дейдилар. Ёшлигингда ота-онанг сенга меҳрини берган эди. Энди сен уларга меҳр кўргаз, дилларини оғритма, улар сендан норози бўлмасинлар.
- ❖ Фарзандингни ёшлигинданок халол-пок, меҳр-мурувватли бўлишга ўргат. Ана шунда у яхши хулқли бўлиб ўсади кексайганингда кўп меҳр кўргазади, раҳмат олиб беради.
- ❖ «Бировга чоҳ қазисанг ўзинг йиқиласан» дейди халқимиз. Бу ҳақиқат. Кимгадир ёмонлик қилсанг, дилини оғритсанг, бир кун келиб бунинг жабрини тортишинг аниқ. Лекин, бу сен ўйлаганча жабрланувчидан эмас, балки бошқа томондан, бошқа кимсадан қайтади.
- ❖ Кимгадир яхшилик қилсанг у ҳам бир кун келиб қайтади. Сен яхшилик қилган одам бу яхшилигингни қайтара олмаса ҳам у бошқа бир томондан, бошқа бир кимсадан қайтади, Ишон, бу ҳаёт тажрибасида кўрилган. Шунинг учун ҳам яхшилик қилишдан толмангиз эй азиз одамлар.
- ❖ Ҳасад қилма, сенга ҳам ҳасад қилувчилар бор. Ҳавас қил, сенга ҳам ҳавас қилувчилар топилади.
- ❖ Йиллар давомида топган обрўйингни йўқотмай десанг, хушмуомила бўл, камтар бўл, асло бировнинг дилини оғритма. Шунда сенинг обрўйингни тўқаман деган кимсаларнинг ўзи обрўсизланади.

- ❖ Эскини кадрлаш керак, лекин янгини бунёд этишни ҳам эсдан чиқарма.
- ❖ Фарзандингизнинг ҳар қандай майда-чуйда ишларига аралашаворманг. Унга бир оз бўлсада эрк беринг, лекин назоратдан қочирманг.
- ❖ Фарзандингизнинг ишига ҳадеб танбеҳ беравериш уни аламзада қилиб қўяди. Бу эса кейинроқ, унинг юзингизга тик боқиб бетгачопарлик қилишига олиб келади.
- ❖ Азиз ота-оналар фарзандингиз олдида асло тортишманг, жанжаллашманг ўз обрўйингизни тўкманг! Болада ҳам ана шу ҳислатни шаклланишига ўзингиз сабабчи бўласиз.
- ❖ Жамоат жойларида телефонда гаплашганда овозингизни пастлатиб гапиришни унутманг. Баланд овоз билан гаплашиш одобсизлик белгисидир.
- ❖ Жамоат жойларида телефонда гаплашиш зарур бўлиб қолса, атрофдагилардан кечирим сўраб қўйиш яхши хулқ ва одобдан нишона. Акси эса, атрофдагиларни менсимаслик, димоғдорлик, бад хулқ ва калтабинлик белгисидир.
- ❖ Сизга кўрсатилган ҳурмат, иззат-икром учун раҳмат айтиб кўнгил олишни унутманг.
- ❖ Танбеҳни ҳам ўринли айтишни билмоқ керак, акс холда унинг таъсири йўқолади, эшитувчининг асабини бузади.
- ❖ Сизга беписанд бўлган одам билан сўзлашишни камроқ қилинг, қадрингизни ерга урманг.
- ❖ Қилган яхшилигингизга миннатдорчилик билдиришни ўзига лозим топмаган кимсага яхшилик қилишни тўхтатинг.
- ❖ Баҳл киши олдида ютуқларингизни гапирманг. Унинг бахиллиги қўзиб сизга зарар етказиб қўйиши мумкин.
- ❖ Мураккаб масалани мураккаблаштирманг, чигал нарсани чигаллаштирманг, аксинча, соддалаштиринг ва осонлаштиринг. Шундагина у кўпчилик томонидан эътироф этилади.
- ❖ Ота-онанг йўлингга кўз тикиб, суҳбатингга зор бўлиб турса-ю, сен ўзгаларга меҳр кўрғазиб, уларнинг кўнглини оласан. Фарзанднинг ота-онага кўрсатган муруввати шуми? «Олдиндан ўтган сувнинг қадри йўқ» деганлари шу бўлса керак?

- ❖ Ота-она тириклик чоғида уларга меҳр-мурувват кўргазиб, улар вафотидан сўнг ҳам, ҳалолу пок яшаб, улар ҳаққига дуо қилиб турувчи фарзанд солиҳ фарзанддир.
 - ❖ Ота-она вафотидан сўнг ака, сингилнинг ота ўрнини босувчи суянган тоғи. Шунинг учун ҳам акалар сингилларини эъзозлаб, меҳр кўрсатмоқлари лозим. Бу уларнинг бурчи.
 - ❖ Кексаларнинг дили нозик бўлиб қолади, улар билан суҳбатлашганда ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришни бил, уларнинг дилини оғритиб қўйма.
 - ❖ Муомилада жирраки бўлма, муроса йўлини танлашни ҳам билиш керак.
 - ❖ Катталар ичида юрсанг катта бўласан, кичиклар ичида кичик.
 - ❖ Юксак чўққиларни кўзлаган одам армон билан эмас, балки ишонч ва умид билан яшамоғи лозим.
 - ❖ Ўлим ҳақ, лекин ўлимини кутиб жимгина яшагандан кўра ҳаётда ўзидан нимадир қолдириб кетиш учун шошилиб яшаган афзал.
 - ❖ Баъзан майда чуйда ишларга ўралашиб қолиб майдалашиб кетганимизни билмай қоламиз. Катта ишларни кўзланг, катталашасиз.
-
- ❖ Бахт кулиб боқиб, мартабангиз кўтарилган чоғда узоқлашиб кетган жигарларингиздан бири йўқлаб келса, қўполлик қилманг, остонингиздан қувиб солманг, мурувват кўрсатинг. Ота-онангиз руҳи шод бўлиб, Оллоҳ ҳам сиздан рози бўлади.
 - ❖ Дилозор бўлманг, дилозордан ҳамма қочади. Хушфеъл бўлинг, ҳамма сизни кўриб қувонсин, суҳбатингизда бўлишни орзу қилсин.
 - ❖ Гумон ёмон нарса. У яқинларингиз билан сизнинг ўртангизга низо солади, дўстларингизни сиздан айро қилади, юрагингизни қуртдек кемиради, ширин турмушунгиз дўзахга айланади. Унинг даъвоси – гумон қилган кишингиз билан, рўй-рост, самимий суҳбатлашиб олинг, елкангиздан тоғ қулагандек бўлади.
 - ❖ Одамларга ёқимли сўз айтиш, уларнинг дилини оғритмаслик ҳам эҳсондир.
 - ❖ Миннат қилмасдан берилган нарса ёки кўрсатилган беғараз ёрдам ҳам эҳсондир.

- ❖ Турмуш ўртоғинг билан хафалашиб қолсанг унинг айбини излаб «тирноқ остидан кир қидирма» унинг яхши томонларини ўйла. Шунда ўртадаги келишмовчилик тез барҳам топади.
- ❖ Бировнинг дилини оғритманг. Дили оғриган одам ақл билан эмас жаҳл билан иш тутади, ниманидир бузади, ниманидир синдиради, у ҳам кимнидир дилини оғритади. Сиз уни бузғунчиликка ундадингиз, гуноҳи сизга ҳам тегади.
- ❖ Дили оғриган одамга таскин беринг, кўнглини кўтаринг, жаҳлдан туширинг, уни яхши ишлар қилишга унданг жаҳл билан эмас ақл билан иш тутишга ўргатинг. Сиз уни бунёдкорликка ундадингиз, савоби сизга ҳам тегади.
- ❖ Рўзғор бу – ғор дейишади. Эр-хотин бир-бирига аччиқ-тирсик ва жаҳл билан эмас, аксинча ширинсуханлик, сабр-тоқат ва шукр қилиб тўлғазиши керак бу ғорни. Шундагина еган таоми ширин, кийган кийими ярашимли бўлади.
- ❖ Таъна-ю, дашном, ва жаҳл билан топилган асал, асал эмас, балки заҳар бўлади.
- ❖ Ғурурли бўлиш яхши, чунки ўзингизни иззат-нафсингизни топталишига йўл қўймайсиз. Аммо, ғурурни меҳрдан устун қўйманг.
- ❖ Осон келган бойлик осон эришилган мартаба ва умуман, осон эришилган барча нарса осонликча бой берилишни унутманг азиз одамлар.
- ❖ Бировнинг ҳақидан кўрқадиган одамдан кўрқманг. У сизни алдамайди, унга ишонинг, ҳаққингизга хиёнат қилмайди.
- ❖ Қарздан кўрқмайдиган одам, омонатга хиёнат қилишдан ҳам кўрқмайди.
- ❖ Камбағаллик айб эмас, маънавий камбағаллик айб, чунки унда на иймон бор, на эътиқод.
- ❖ Эшик ёпиқ бўлса аста тақиллатиб изн сўраб кир, очик бўлса ҳам сўраб кир, бу яхши хулқ белгиси.
- ❖ Эл олдида еган даккидан, беҳос тушган бир шапалоқ яхши.
- ❖ Эл олдида иззат, ҳурмат топай десанг, ўз хоҳишингга эмас, халқ хоҳишига қараб иш қил.
- ❖ Ҳақни ноҳақ этиб, ноҳақни эса ҳақ этиб кўрсатган одамда виждон ҳам, иймон ҳам бўлмайди.
- ❖ Юзим ёруғ бўлсин десанг, ҳамма ҳурмат қилсин десанг, тўғри сўзла, тўғри юр, яхшилик қил ва яна яхшилик.

- ❖ Бировдан айб ахтарсанг, айбин топиб мақтансанг, бир кун келиб қайтади, унда холинг нетади?
- ❖ Пулинг кўпайса, мансабинг ортса дилозор бўлма, камтар бўл, шунда эл олдидаги ҳурматинг ва мартабанг янада ортади.
- ❖ Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, ёмонга ҳамроҳ бўлсанг ёмони, дейишади. Буни унутмаслик керак.
- ❖ Душманинг кучли бўлса, куч билан енгишга уринма, уни сўз билан, ақл билан енгишга урин.
- ❖ Доно билан бирга бўлсанг, обрўйинг ошар, тентакка ҳамроҳ бўлсанг, обрўйинг тўкар.
- ❖ Ақллининг сўзин олсанг мақсадингга етарсан, ахлоққа қулоқ солсанг кўп уятга қоларсан.
- ❖ Бировга қилган яхшилигинг билан мақтанма, бировдан кўрган яхшилигинг билан мақтан.
- ❖ Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса ҳеч бўлмаганда ёмонлик қилмасликка ҳаракат қил.
- ❖ Яхшини танқид қилсанг сени тўғри тушунар, ёмонни танқид қилсанг қасд олиш учун уринар.
- ❖ Ёмонга қанча қилма яхшилик, ҳеч кўрмагайсан ундан рўшнолик.
- ❖ Ёмон миллат танламайди, йўқдир унинг миллати, аммо хушёр бўлинг юқар унинг иллоти.
- ❖ Бировга қасд қилиб иш тутманг, қасд қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келган эмас.
- ❖ Бир оғиз ширин сўз билан тоғдайин ишни битказиш мумкин. Ширин сўзга қулоқ оч, ёмон сўздан эса қоч.
- ❖ Сўзим таъсирчан бўлсин десанг, кўп гапирма, оз гапир, лекин, мақсадингни қисқа ва аниқ қилиб, соз гапир.
- ❖ Ширин сўзлаб раҳмат олсанг, униб-ўсиб яшарсан, бадхулқ бўлиб қарғиш олсанг, кўп яшамай тўзарсан.
- ❖ Дуо олинг, дуо билан одам омондир. Дуо олмай қарғиш олсанг рангинг сомондир.
- ❖ Ҳақ бўлсанг, рўй-рост гапир, орқадан гапирма. Орқадан айтилган гап орқадан отилган ўқдир. Фақат номардларгина шундай иш туттади.
- ❖ Айтилган сўз отилган ўқ дейишади. Шунинг учун ҳар бир сўзингни ўйлаб гапир, бир инсон қалбини жароҳатлаб қўйма.
- ❖ “Ифвогар ифвогарлигин ташлади” деса ишонманг, у гўёки “заҳарли илон чақмайди” дегандек гап.
- ❖ Кекса сўзи ҳикмат, баҳл сўзи миннат эканлигини унутманг.

- ❖ Мафтункор, чиройли чехра ва кўзларга мафтун бўлиб ўзингизни йўқотманг, уларнинг ортидаги алдовни кўриш учун уларга ақл кўзи билан қаранг.
- ❖ Бирор кимсадан хафа бўлсангиз унинг тириклик чоғида хафа бўлинг. Лекин, марҳумлардан хафа бўлиш керак эмас.
- ❖ Қуръон тиловати аввало марҳумлар учун керак. Шунинг учун ҳам «фалончининг ҳақиқа Қуръон тиловат қилдим» деб унинг яқинларига айтиш шарт бўлмаса керак. Тирикликка шукр қил, савоб ишдан қолма.
- ❖ Тили бошқа, дили бошқаларни дўст тутманг. Улар сизга садоқат кўрсатмайди. Бир кун келиб ишончингизни барбод қилади.
- ❖ Еган таомимизга, ўтган кунимизга, умримизга шукур қилиб яшаш бизнинг бурчимиз. Шу дунёга келганимизга, шу дунёда борлигимизга шукур.
- ❖ Беномусга номус ҳақида гапириб овора бўлма. Барибир у кулоқ солмайди ва ўз билганидан қолмайди.
- ❖ Юзингга айтгандан хафа бўлма, орқангдан ғийбат қилгандан хафа бўл.
- ❖ Ўзингни айбинг бўла туриб, ўзгалар устидан кулма, сенинг устингдан ҳам куладиганлар топилади.
- ❖ Бир марта ҳиёнат қилган одамнинг садоқатига ишонма, у яна ҳиёнат қилишдан қўрқмайди.
- ❖ Эҳтиёткор одамни журъатсизликда айбламанг. Эҳтиёткор етти ўлчаб бир кесади. Журъатсиз эса тайёр ошни сўзишга ҳам ботинмайди.
- ❖ Ҳавас билан яша, умид билан иш қил. Шундагина орзуинг рўёбга чиқади.
- ❖ Аввало бирор кимсани дилини оғритманг. Агар жаҳл устида ўйламасдан дилни оғритсангиз кечирим сўрашдан сира ҳам уялманг.
- ❖ Овсинларнинг жанжали оға-ини ўртасига нифоқ солади, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳрини йўқотади. Шунинг учун ҳам азиз аёллар бир-бирларингизга меҳрли бўлинг. Кибр ила оёғингиз остидаги жаннатни дўзахга айлантиришга сабабчи бўлманг.
- ❖ Нодонга эзгулик ҳақида гапириб овора бўлманг, бари-бир у сизни тушунмайди.
- ❖ Ҳар бир муаммонинг ечими бор, уни топиш эса сизнинг вазифангиз.

- ❖ Ўтган ҳаётингиз самарасиз бўлса, кўп қайғурманг, келажак ҳақида ўйланг.
- ❖ «Кўз қўрқоқ, қўл ботир» дейишади. Шунинг учун бир иш қилмоқчи бўлсангиз, ишонч билан киришинг. Омад сизга ёр бўлади.
- ❖ Ҳақиқатни кеч бўлсада англаб етиш, тан олиш оқилликдир.
- ❖ Гўзаллик, амал, бойлик, куч-қудрат бариси ўткинчидир. Шунинг учун ҳам, эй инсон уларга эга бўлдим деб ҳаволанма. Бир кун келиб улардан айрилишинг аниқ.
- ❖ Майда хатолардан эмас, жиддий хато қилишдан сақланмоқ лозим.
- ❖ Ношудлик айб эмас, ундан қутилишга ҳаракат қилмаслик айб.
- ❖ Ўзингиз бажара олмайдиган ишни бажаришга уринманг, бажара олмаслигингизни эса хотиржам қабул қилинг.
- ❖ Ўзингиз бажара оладиган ишни бажаришни ортга сурманг, иккиланманг. Уни бажариш учун куч-ғайратингизни аяманг.
- ❖ Ижод махсули бўлмиш бирор асар яратмоқчи (яъни китоб ёзмоқчи) бўлсангиз ундан келадиган фойдани кўзлаб эмас, балки уни инсонларга қанчалик наф келтиришини ўйлаб ёзинг, азиз муаллифлар.
- ❖ Ўзгаларга баҳо беришдан олдин ўзингга баҳо беришни ўрган. Шундагина берган баҳоинг тўғри бўлади.
- ❖ Шон-шухрат ортидан қувма, лойиқ бўлсанг уни ўзи сени излаб топади.
- ❖ Мансаб учун интилма, унга лойиқлигингни меҳнатинг билан кўрсат.
- ❖ “Ёмонга яхшилик билан жавоб қайтар” дейишади. Тўғри, чунки у сизга яна ёмонлик қилмаслиги учун ҳам шундай қилган маъқул.
- ❖ Мақтовларга учиб масрур бўлма. Сени қанчалик мақташса, шунчалик ёмонлашлари ҳам мумкин.
- ❖ Мақтов – ёқимли оғу, у аста – секин таъсир қилиб, ақлу хушингни олади.
- ❖ Агар сизни намуна қилиб кўрсатишса, билингки, сизга жуда катта масъулият юклатилди.
- ❖ Бир – бирларига навбат бермай мақтаганлардан қўрқ. Улар тилёғламачилардир. Мавқеинг ўзгарса улар ҳам дарҳол ўзгарадилар.

- ❖ Мақтовдан кўрк, у сени жаҳолатга етаклайди. Ҳавасинг ҳасадга, ҳақлигинг ноҳақликка, саҳоватпешалигинг таънага ва ғаразгўйликка айланади.
- ❖ Арзимаган нарсага аразлайверма, араз кетидан ғараз келади.
- ❖ Ёшларни панду – насиҳатга тобу – тоқати ва вақти ҳам йўқ. Эшитишини хоҳламаган одамга эса насиҳатнинг кераги йўқ.
- ❖ Бировдан яхшилик кутмоқчи бўлсанг аввал ўзинг мурувват кўрсат.
- ❖ Ақлли кишиларни асрамоқ керак, чунки улар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.
- ❖ Бу дунёдан хотиржам кетай десанг фақат яхшилик қил, ёмонлик қилма. Қилган ёмонликларинг хотиржам кўз юмишинга йўл қўймайди, балки азоблайди.
- ❖ Пешонанг деворга теккунча кутма, ўз вақтида ақлингни йиғ.
- ❖ Ҳамма нарсага эга бўламан деб очкўзлик қилма. Катта бойлик ортида азоб ва уқубат ҳам борлигини унутма.
- ❖ Эй инсон, доимо рост сўзлашга ва хушхулқ бўлишга интил. Барибир бир кун келиб бадхулқлигинг ва ёлғонларинг ошкор бўлади.
- ❖ Тушкунликка тушма, ноумид бўлма, чунки яшашнинг ягона чораси умидли бўлишдир. Умидингни сўндирма. Ҳар қандай инсон ҳам ўлими олдида жаннат умидида кўз юмади.
- ❖ Актёрлик қисмати осон эмас. У турли қиёфага киришга мажбур. Аммо ҳаётда актёр бўлмагин. Ўз қиёфангда қол.
- ❖ Одамнинг ташқи кўринишига қараб хулоса чиқарма. Унинг қалбига боқ. Бекорга айтишмаган “таши ялтироқ – ичи қалтироқ” деб.
- ❖ Кўп нарса билай десанг ва яхши хулқли бўлай десанг, ҳикматли сўзларга қулоқ сол ва уқиб ол.
- ❖ Бировнинг кўнглини олай десанг унга ҳамдард бўл.
- ❖ Қувончингга шерик жуфти ҳалолинг,
Қайгунгда ҳам ҳамдард жуфти ҳалолинг.
Пасту-баланд ҳаёт сўқмоқларида
- ❖ Сенла бирга доим жуфти ҳалолинг.
- ❖ Навбатда турганда орага кириб олишга ҳаракат қилма, ўзгаларни ҳурмат қилишни ўрган. Бирор танишини баҳона қилиб орага суқулиб кириш нафақат одобсизлик, балки юзсизлик ҳамдир.
- ❖ Озчиликни бахтли қиламан деб кўпчиликни бахтсиз қилиш нотўғри. Ҳар иккисини келиштириш эса доноликдир.

- ❖ Мағлуб бўлдим деб хафа бўлма, азобланма. У келажакдаги ғолибликнинг дебочасидир.
 - ❖ Ёлғиз ўзимман деб ғурурланма, ҳаволанма. Сен йўқ бўлсанг ўнлаб ўрнингни босувчилар чиқиши мумкин.
 - ❖ Соғлом бўлай десанг жаҳлни чиқариб асабни бузадиган нарсалардан ва ҳамсуҳбатдан ўзингни олиб қоч.
 - ❖ Юлдуз бўлдим деб кеккайма, қанчалик юқори кўтарилсанг, қалбингда шунчалик худбинлик илдиз отиб бораверади.
 - ❖ Ҳозирда ердаги “юлдузлар” самодаги юлдузлардан ҳам кўпайиб кетди. Бу ҳам етмаганидек, эндиликда улар “Мега юлдуз”га айланмоқда.
 - ❖ Кечирим сўрашса такаббурлик билан “Кечирдим” деманг. Сиз ким бўлибсизки, гуноҳларини кечиришга, кечириш фақатгина яратганга хос.
 - ❖ Ажабо, одамлар ҳақиқат билан келиша олмайдилар, лекин бунини яширишга ҳаракат қиладилар.
 - ❖ Очкўзлик билан бойлик йиғувчилардан ғазабланиш керак эмас. Аксинча раҳмат айтиш керак. Ахир тўплаган бойлигини у дунёга олиб кетиша олмайди-ку, демак у жамият учун қолади.
 - ❖ Очкўзлик билан бойлик йиғувчи ёмон эмас, уни исроф қилувчи ёмон. Бундайларга қарши курашмоқ керак.
- 
- ❖ Баъзан муҳтожлик қонундан бўзишга ҳам олиб келиши мумкин.
 - ❖ Ҳақиқат излаш, ҳақиқатга эришиш эзгуликдир. Лекин, бу йўлда қанчадан-қанча тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Бардошингиз етадими?
 - ❖ Қонунлар инсон ҳуқуқларини нафақат ҳимоя қилади, балки чегаралаб ҳам қўяди.
 - ❖ Ажабо, хато қилганлардан кўра, ҳақиқат учун курашганлар кўпроқ жабр кўради.
 - ❖ Баъзи одамлар ҳақиқат, қонунларга амал қилиш ҳақида кўп гапиришади, айниқса, мажлисларда, аммо бунга энг аввало ўзлари амал қилмайди. Бунга манфаатдорлик тўсқинлик қилса керак.
 - ❖ Ҳақиқат бир кун келиб ғолиб чиқади. Тўғри, фақат “бир кун” келиб ғолиб чиқади. Ҳақиқат учун курашганлар ўша кунни кутиб яшайди.

- ❖ Ҳақиқат учун курашганлар бир кун келиб ҳақиқат ғолиб чиқишига умид билан яшайдилар. Аммо баъзан ўйлаб қоласан киши ўша кун келгунча умр етармикин?!
- ❖ Ҳақиқатга тўсқинлик қилганларга эмас балки уни сохталаштирганларга қарши курашиш керак.
- ❖ Агар, кимдир сенга ёмонлик қилса, билгин-ки, сен ҳам кимгадир ёмонлик қилгансан. Бу қайтар дунё.
- ❖ Ҳеч бир ёмонлик ёки яхшилик изсиз кетмайди. Бир кун келиб ёмонликка ёмонлик, яхшиликка яхшилик қайтади. Аммо, бунини билмаймиз, бошқалардан хафа бўламиз.
- ❖ Қонунлар уларни бузиш учун эмас, уларга амал қилиш учун яратилади.
- ❖ Инсон ўзи яратган қонунларни ҳам бузади, ҳам ўзгартириш киритади. Аммо, табиат қонунларини бузиб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди.
- ❖ Йилномаларни жамият тараққиётининг кўзгуси дейиш мумкин, уларда воқелик ифодаланган.
- ❖ Йилномалар шахслар томонидан ёзилади. Шунинг учун ҳам улар тарихий воқеаларни аслича реал ифодалай олмайдилар. Уларда ўша давр ҳукмрон синфларининг қарашлари ўз ифодасини топади.
- ❖ Инсон ҳаёт экан қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб келаверади.
- ❖ Ғоялар инсон ҳаётида жуда катта аҳамият касб этади. Инсон хатто шу ғояни деб ўз ҳаётидан воз кечади.
- ❖ Ғоясиз ҳаёт қалбсиз вжудга ўхшайди.
- ❖ Замон ва маконда кечаётган воқеалар сенга ёқадими ёки ёқмайдими сен замон билан бирга қадам ташлаш-га мажбурсан йўқса замондан ортда қолиб кетасан.
- ❖ Ўзингни ширин ёлғонлар билан алдаб юргандан кўра, аччиқ бўлсада ҳақиқат билан юзлашган маъқул.
- ❖ Ҳақиқатдан қўрқмаслик керак. Уни яширсанг доим қўрқинчда, руҳан эзилиб яшайсан. Ҳақиқат қарор топ-гач эса руҳий кўтаринкилик ва эркинликни ҳис этасан.
- ❖ Ҳақиқатни айтиш ҳам сувга илк бор шўнғишдек гап. Бир марта шўнғиб чиққан одам сувдан қўрқмайди.
- ❖ Ҳар даврнинг ўз қонун-қоидалари бор. Эскича қарашлар билан уларга қаршилиқ қилиш шарқираб оқаётган дарёни орқага қайтаришга уринишдек гап.

- ❖ Бу дунёда ҳеч бир нарса абадий эмас, маълум муддатдан сўнг улар ўрнига янгилари келиши ҳақиқат.
- ❖ Асрлар оша виқор турган қадимий бинолар ҳам бир кун келиб нурайди, улар ўрнига янгилари қад кўтаради ва улар ҳам боқийликка интилади.
- ❖ Ҳақиқатга бўлган интилиш ортга чекинмайди. Бир кун келиб у барча тўсиқларни енгиб ўтади.
- ❖ Ҳақиқатни тан олмаслик – кўрқоқликдир.
- ❖ Ҳақиқат ва истисноотни яшириб бўлмайди. Бир кун келиб улар ер остидан отилиб чиққан булоқдек ўзларини намоян қилади.
- ❖ Ёлғон хабар тез тарқалади, ва дарҳол кўпчиликнинг диққатини ўзига тортади. Ҳақиқат ошкор бўлиши учун эса анча вақт талаб этилади.
- ❖ Одамлар қонунларни ўзлари яратишади, кейин эса унга ўзгартиришлар киртишади, чунки улар бу қонунларни ўзларига мослаб боришади. Табиат қонунлари эса ўзгармасдир.
- ❖ Ажабо, одамлар қонунларни ўзлари яратишди-ю, аммо кейин унга амал қилмаслик йўлларини ахтаришади.
- ❖ Ҳозирги глобаллашув жараёнида миллатни, ўзлигини англаш учун тарбияга миллий руҳни сингдириш лозим. Бу юриш туришда кийинишда, муомилада, мусиқада, миллий одоб ва дид ўлчовларига амал қилиш демкдир.
- ❖ Қадриятларимиз ҳақида лоф-коф уриб, амалда эса бир ёки иккита тадбирда ўзларини кўрсатиб қўйиш билан чекланиш ўта кетган иккиюзламачиликдир.
- ❖ Миллат бор экан миллий ғурур бўлади. Бу эса шу миллатга хосликни асраш ва қадрлашда ўз аксини топади.
- ❖ Шахс тўлақонли эркин бўлиши мумкин эмас, чунки у ёлғиз ўзи яшай олмайди, балки жамиятда яшайди. Шундай экан у жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши шарт.
- ❖ Бир шахс учун эркинликни ифодаловчи омиллар, бошқа бир шахснинг эркинлигини чегаралаб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахс эркинлиги деган тушунчани рўқач қилиб, ўзга жамият ишига аралашиб бузғунчиликдир.
- ❖ Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос одоб-ахлоқ меъёрлари ва қонун-қоидалари бор. Шунинг учун ҳам шу жамият-да яшовчи шахс шу жамиятдаги одоб-ахлоқ меъёри ва қонун-қоидаларига амал қилиши талаб этилади.

- ❖ Шахс эркинлиги сиёсий масала, уни ҳар ким ўз манфаатидан келиб чиқиб талқин қилади.
- ❖ Шиорларга амал қилиб интилиб яшаш, олдинга, келажакка интилиб яшаш демакдир.
- ❖ Хато қилиш демократияга хос сифат, хато қилмаслик эса қатъий режа ва қонун қоидалар асосида иш кўриш демакдир.



- ❖ Касаллик ҳақида кўп ўйлаб-ёйиш уни чуқурлаштиради, шунинг учун ҳам беморнинг фикрини унинг касаллигидан чалғитиш керак.
- ❖ Беморга яхши гаплар билан далда бериш уни руҳан тетиклаштиради. Руҳий тетиклик эса баъзида доридан ҳам яхшироқ даволайди.
- ❖ Ҳар қандай қийин аҳволга тушиб қолганда ҳам умидсизликка тушмаслик керак. Бунинг учун эса кучли ирода керак.
- ❖ Ажиб одамлармиз-да. Соғ-саломат юрганда соғлиги-миз ҳақида ўйламаймиз, ҳаёт шавқидан лаззат олиб юраверамиз. Юрак санчиб, касаллик авж олгандагина соғлиқ ҳақида ўйлаб, унинг қадрига етамиз.
- ❖ Саломатликни сақлашнинг энг зарур омиллари асаб бузар ҳолат ва ишлардан қочиш, вақтида ишлаб, вақтида дам олишга амал қилиш лозим.
- ❖ Доно шифокорлар беморларга муолажадан мамнун бўлса дўстларига айтишни, агар муолажада камчилик бўлса ўзларига яъни шифокорларга айтишни маслаҳат берадилар.
- ❖ Ҳар қандай бемор ва туғруқдаги аёл икки йўл ўртасида туради. Бу йўлларнинг бири ўлим, иккинчиси ҳаётдир.
- ❖ Беморга ширин сўз билан берилган тасалли доридан ҳам кучлироқ таъсир қилиши мумкин.
- ❖ Самимийлик нима? У беғараз, чин дилдан, хушмуомилалик билан қилинган муомала.
- ❖ Инсон учун энг керакли нарсалар саломатлик, тинчлик, хотиржамликдир.
- ❖ Сўз кудратли қурол: у ҳам даволайди, ҳам жароҳатлайди.
- ❖ Тиғдан яраланган жароҳат тез битиши мумкин, лекин тилдан яралангани битиши қийин.
- ❖ Яхшиликни ёдда сақлаш, лекин ёмонликни эса хотирадан ўчириб ташлаган маъқул. Шундагина кўнглинг хотиржам бўлиб, асаблар ҳам жойига тушади.

- ❖ Ширин сўз ила қилинган муолажа нафақат касалликка, балки қалбга ҳам малҳам бўлур.
- ❖ Соғлигинг – бу сенинг соғлигинг. Унга масъул ҳам, жавобгар ҳам фақат ўзингсан.
- ❖ Беморлик пайтингда оқ халат кийганлар кўзингга фаришта бўлиб кўринади.
- ❖ Бемор руҳан муолажага тайёр бўлгандагина унга берилган дори-дармонлар яхши таъсир кўрсатади.
- ❖ Соғлиқ, мансаб, бойлик ёки мартабадан бирини танлаш керак бўлса нимани танлар эдинг? Одатда албатта, соғлиқ-да дейиш мумкин. Лекин ҳамма ҳам шундай ўйламайди. Ҳолати ва дунёқаришидан келиб чиқиб, улардан бирини танлаш ҳар кимнинг ўз шахсий иши.
- ❖ Соғлигинг ёмонлашса бировдан ўпкалама, унга фақат ўзинг айбдорсан, чунки у фақат сенинг соғлигинг.
- ❖ Соғлигинг ҳақида ҳаммага нолийверма, уларнинг ҳам ўз соғликлари ва ташвишлари бор. Сенинг соғлигинг аввало ўзингга ва яқинларингга керак.
- ❖ Нима учундир баъзи одамлар касалликларини билдирмасликка ҳаракат қиладилар. Ахир, касал бўлиш жиноят эмас-ку. Бу ҳар бир инсоннинг бошида бор, ҳақиқатни яшириб бўлмайди.



- ❖ Қизик, баъзилар бошига мусибат тушгандагина Оллоҳни эслаб қолишади. Яхши кунларида эса ҳаёлларига ҳам келмайди. Наҳотки, Оллоҳни ёд этиш учун қийинчилик ва мусибатли кунлар керак бўлса?! «Хом сут эмган банда» деб шуларни айтса керакда.
- ❖ Ношукурлик умидсизлик белгиси, умидсиз бўлма эй инсон! Умид билан яшашга не етсин.
- ❖ Бирор муаммони ечимидаги чорасизлик ва ожизлик ношукурликка тамон етаклайди. Шунинг учун ҳам ношукурлик ожизлик ва чорасизлик белгисидир.
- ❖ Мусофирчилик – кўп қийинчиликлар билан юзма-юз келишдир.
- ❖ Мусофирчилик – сизга ёрдам қўлини чўзадиган қариндош-уруғ, дўсту-ёр ва таниш билишлар бўлмаган ҳолатдир.
- ❖ «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан» деган гап бор. Демак, мусулмон одам қийинчиликлардан, ёлғизликдан

кўрқмайдиган, ўзини Оллоҳ ҳимоясида деб биладиган, ўта сабр-тоқатли, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган одамдир.

- ❖ Аммо, айрим кишилар мусулмончиликни ниқоб қилиб олиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Улар мунофиқ одамлардир. Ўз хатти-ҳаракатлари билан мусулмонларни бадном қиладилар.
- ❖ Бу дунёнинг ўткинчи эканлигини, амал ва бойликни ҳам бир умрга берилмаслигини, ҳаётда яхши ва ёмон кунларнинг борлигини унутмаслик, керак.
- ❖ Ёмон кунларда сабр билан, яхши кунларда эса шукрона келтириб яшаш лозим.
- ❖ Ер шари айланиб турганидек бу дунёдаги воқеа ходисалар ҳам айланиб туриши ёруғ кунлардан сўнг қоронғулик, ундан сўнг яна ёруғлик, яхшиликдан кейин ёмонлик, ёмонликдан кейин яна яхшилик келиши бу – диалектикадир.
- ❖ Бу дунё тошу-тарозили дунё. Яхшилик қилсанг, яхшилик қайтади, ёмонлик қилсанг - ёмонлик. Лекин у қайдан ва кимдан қайтади, буниси номаълум.
- ❖ Оналарни ҳурмат қиламиз, эъзозлаймиз, албатта улар чиқарган қарорларни маъқуллаймиз аммо оила мустаҳкам бўлиши учун охирги сўзни эркак киши айтиши керак. Бу йиллар давомида исботланган ҳақиқат.
- ❖ Одатда рўзғор ҳаражатлари ва ҳўжалик ишлари оилада эркак кишининг зиммасида. Агар буларга аёл киши аралашса эркакнинг тили қисилади, сўзини ўтказа олмайди. Натижада оилада майда – чуйда ишларда ҳам келишмовчиликлар чиқа бошлайди ва фармонбардорлик аёлга ўтади.
- ❖ Баъзилар оилада аёл хукмрон, унинг айтгани айтган, ундан кўрқиб керак дейишади. Лекин шундай аёллар борки эри касаллиги туфайли тўшакка михланиб қолган, уй-рўзғор ташвиши унинг елкасига ўтган тақдирда ҳам ҳар бир чиқарган қарори ва қиладиган ишини ўз жуфти ҳалоли, фарзандларининг отаси бўлмиш турмуш ўртоғи олдидан ўтиб, унинг розилиги билан бажаради. Аёлнинг донишмандлиги, улуғлиги, буюклиги ва ҳокисорлиги ҳам шундадир.
- ❖ Аёл мавқе ва маоши жиҳатидан турмуш ўртоғидан юқори турса ҳам оилада, ўзини ҳокисор тутиши оилани мустаҳкамловчи омиллардан биридир.
- ❖ Кимгадир яхшилик бўлиб туюлган нарса бошқа бир киши учун ёмонликдир.

- ❖ Марҳум бўлган яқин кишинг ҳамма жойда, ҳар доим сен билан бирга, лекин уни кўриб бўлмайди, унга тегиб ҳам бўлмайди, бу сенинг хотиранг.
- ❖ Эр-хотин ахил бўлмаса, бир-бирин ҳурмат қилмаса фарзандларининг хулқи ҳам шундай бўлади. Бундай оилада файзу-барокат, тинчлик, хотиржамлик бўлмайди.
- ❖ Эр-хотин муносабати оила тинчи ва фарзандавр тарбияси учун жуда муҳимдир. Аёл киши турмуш ўртоғининг феъл атворини нимани ёқтиради-ю, нимани ёқтирмаслигини яхши билиши керак. Эрдан ҳам аёлига нисбатан ана шундай муомила талаб этилади.
- ❖ Эрнинг кўнглини олиш, унга ёқиш учун пардоз қилиш яхши хулқ, ўзгалар эътиборида бўлиш, улар олдида ўзини кўрсатиш учун пардоз қилиш эса ёмон хулқдан нишона.
- ❖ Эрнинг жаҳли чиқиб, ғазаби қўзғаганда тилини тия олган, сабр қилган аёл доно аёлдир.
- ❖ Вафотидан кейин ҳам уни тез-тез ёд этиб, руҳини шод этиб турушларини хоҳламайдиган кимса йўқ бўлса керак бу дунёда. Бунинг учун эса, бу дунёда ҳаракат қилмоқ керак. У дунёда бунинг иложи бўлмас.
- ❖ Қайнонани ҳурмат қилиб, сабр билан хизмат қилиб, унинг дуосини олган келин келажакда иззат ва ҳурматда бўлиши аниқ.
- ❖ Қизи бор қайнона келинига меҳрибон ва шафқатли бўлиши жоиз, чунки унинг қизига ҳам кимдир қайноналик қилади.
- ❖ Савдогарлик ҳам яхши касб. Аммо назари тўқ кишигина бу касбга кўл урса яхши бўлар эди.
- ❖ Ҳунарманди билан савдогарининг имони бор юрт барқарор бўлади деган гап бор халқимизда.
- ❖ Одамларни рози қилиш учун меҳр ва ихлос билан буюм ясаган ҳунарманд имонлидир.
- ❖ Самимийлик, ақлнинг ҳукмронлиги, ниятнинг поклиги, кишиларни нопок йўлларга юришдан сақлайди.
- ❖ Баъзан кичикроқ ташвиш кишини хушёр қилиб, каттароқ қайғудан асрайди. Шунинг учун ҳам яратганга шукр қилиб яшаш керак.
- ❖ Камбағал эрини бойроғига алмашишга тайёр аёлда ва дардманд аёлидан кечиб, бошқасига уйланишни ўйлаган эркакда иймон бўлмайди. Улар қалбида шайтон ҳукмрон.

- ❖ Такдир... У бор нарсамии ёки йўқ? Агар бор бўлса, у аввал яратиладимии ёки инсоннинг яшаб бўлинган ҳаёти такдир дейиладимии?
 - ❖ «Пешонангга ёзилганини кўрасан дейишади. Агар, такдир инсон пешонасига ёзилган бўлса, балки уни ўқиш ҳам мумкиндир? Йўқ, унда ҳаётнинг қизиғи қолмайди.
 - ❖ Агар инсоннинг тақдири олдиндан белгиланган бўлса, у робот мисол мавжудот бўлиб қолади-ку. Менимча, такдир бор бўлиши керак, чунки инсон шу дунё мажмусининг бир парчаси. Аммо, унга ақлнинг берилиши инсонга ўз тақдирини ўзи ўзгартириш имконини ҳам беради.
 - ❖ Бутун дунё ва коинот бир мажмуа. Инсон ҳам унинг бир парчаси сифатида ундан чиқиб кета олмайди. Демак, биз ташқи олам билан ҳам боғлиқмиз.
 - ❖ Мунажжимларнинг башорати инсоннинг ана шу ташқи олам билан боғлиқлигини кўрсатиб берувчи омиллардан биридир. Улар орқали инсонга қандайдир воқеа-ҳодисалар ишора қилинади.
 - ❖ Йўл четига қўйилган белгилар йўловчига йўлда нималар борлиги, қай томонга бурилиш кераклиги кабилар ҳақида олдиндан хабар бериб боради. Балки, инсон кўраётган тушлар ҳам ана шу каби инсонга унинг ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларга олдиндан ишорадир?!
 - ❖ Одам Оллоҳнинг севган бандаси дейишади. Шунинг учун ҳам Оллоҳ ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Одамнинг яхши ва ёмон бўлиши унинг ўзига боғлиқ.
 - ❖ Бу дунёни қайтар дунё дейишади, яхшилик ҳам қайтади, ёмонлик ҳам. Аммо, қай бири кўпроқ, қай бири озроқ, қай бири секину, қай бири тез, буни ёлғиз яратган билади.
- 
- ❖ Яхшилик қилиб, ~~яхшилик~~ ёки мукофот кутиш – таъмагирликдир
 - ❖ Яхшиликка яхшилик албатта қайтади. Лекин буни биз билмаймиз, чунки у биз кутмаган кимсадан қайтади.
 - ❖ Қийинчиликка учраганингда асло тушкунликка тушма, ношукур бўлма. Ундан чиқишнинг йўли умид ва шу йўлдаги ҳаракат.
 - ❖ Хатолар – ҳақиқат йўлидаги чуқурлик ва тўсиқлардир.

- ❖ Ҳаёт зиддият ва тўсиқлардан иборат. Улардан ўтгач ҳар бир кишида завқланиш туйғуси ҳосил бўлди. Бу эса унга янги куч ва ғайрат бериб яна олға интилишга ундайди.
 - ❖ Ўзи нопок бўлиб ўзгалардан ҳалоллик талаб қилиш мунофиқликдир.
 - ❖ Ўзи ҳалол бўлган кишигина ўзгаларни ҳалол бўлишга чақиришга ҳақли.
 - ❖ Ўзи таъмагир бўлатуриб, таъмагирликка қарши оғиз кўпиртириб гапирган кишиларни кўриб энсанг қотади. Мунофиқлик ҳам эви биланда дегинг келади.
 - ❖ Ҳалоллик ва поклик инсонни улуғлайдиган фазилатлардир.
 - ❖ Ҳурматга яраша ҳурмат, меҳнатга яраша иззат, меҳрга яраша меҳр бўлмас экан, у ерда маънан ва руҳан бирлик бўлмайди.
 - ❖ Жуфти ҳалолидан кўрсатилган меҳрга яраша меҳр олмаслик ўртадаги ришталарни узилишига олиб келади.
 - ❖ Ёмонлик қилишга одатланган одамни бу йўлдан қайтариш қийин. Ёмонлик қилиш унинг қон-қонига сингиб кетган.
 - ❖ Одамлар нима учун ёлғон ва уйдирмаларни тўқиб чиқаришини биласизми? Улар хато ва камчилликларини беркитиш учун шундай қиладилар.
 - ❖ Халқимизнинг уй олма қўшни ол, қўшнинг тинч сен тинч деган сўзларига ҳамма ҳам амал қилганда эди маҳалла кўйда тотувлик, меҳр-оқибатлилиқ, осойишталик ҳукм сурган бўлар эди.
-
- ❖ Бировнинг яхши фазилатларини сезиб, буни унинг ўзига билдирсангиз гарчи у сизга билдирмаса ҳам, сиздан миннатдор бўлади. Аммо, буни меъёр билан қилган маъқул, акс ҳолда у лаганбардорликка айланиб кетади.
 - ❖ Яхши суҳбат – тан малҳами, яхши суҳбатдош жон орамидир, ёмон суҳбатдош эса бош оғриғи.
 - ❖ Яхши суҳбатдошнинг суҳбатини зор бўлиб кутасан. Ёмон суҳбатдошнинг суҳбатидан эса қочасан. Ҳа, жуда тўғри қиласан, ёмон суҳбатдошдан не ҳам оласан?
 - ❖ Ёлғончи, ғийбатчи ва иккиюзламачи ёмонлигин ташлади деса ишонманг. Унинг бу қилиқлари фақат ўлганда қолиши мумкин. «Букрини гўр ўнглайди» деб бежиз айтишмаган.
 - ❖ Қўшнинг бўлса иғвогар, ҳаётинг бўлар заҳар.
 - ❖ Иғвогар иғво қилиб толмайди, бу қилигин то ўлгунча қўймайди.

- ❖ Ёмонга ишинг тушса ортга суриб хор қилар, яхшига ишинг тушса йўғингни ҳам бор қилар.
- ❖ Иғвогар одам чаёнга ўхшайди, тўғри юрсанг ҳам ёки яхшилик қилиб сийласанг ҳам заҳрин солади – устингдан иғво қилишни қўймайди.
- ❖ Иғвогарга совға-салом бериб оғзин ёпаман деб ўйлама. Бу уни баттар ҳаволантиради. Аввал устингдан бир ёзса, энди минг чандон ёзади.
- ❖ Ёмонларнинг яхшиси бўлгандан кўра, яхшиларнинг ёмони бўлган яхшироқ.
- ❖ Иғвогарнинг заҳри илон заҳридан ёмонроқдир. Илон заҳри танни жароҳатлайди, иғвогар заҳри қалбни.
- ❖ Меҳрибон одам барчага бирдек меҳр улашар, жоҳил одам эса жаҳл.
- ❖ Яхши одам меҳнат қилар эл-юрт ғамида, ёмон-чи, ўз ғамин ер, ўзга билан иши йўқ, эссиз.
- ❖ Манфаатдорлик кўзлаб қилинган яхшилик, яхшилик эмас, у иккиюзламачилиқдир.
- ❖ Тўғри қилинган танқид қақраган ерга қуйилган сувдек оқар, ноҳақдан қилинган танқид эса қалбда ғазаб оловин ёқар.
- ❖ Яхши тил омад келтирар, ёмон тил бало келтирар.
- ❖ Ошинг туссиз бўлса, ҳеч қиси йўқ уни ўнгласа бўлади, лекин гапинг туссиз бўлмасин, уни ўнглаб бўлмайди.
- ❖ Бир парча гўштдан иборат инсон тилидан бир қарасанг шакардан шакар сўзлар, бир қарасанг заҳардан-заҳар сўзлар чиқади.
- ❖ Оёғи ифлос одам уйни булғайди, сўзи ифлос эса жамоани.
- ❖ Хушмуомила одам ширин сўзлаб ийдиради, қўпол одам заҳар сўзлаб бездиради.
- ❖ Сиз ишониб эъзозлаган одам, сизга қарши зимдан иш олиб борса, у кимсани қандай атамоқ керак?!
- ❖ Илиқ, ёқимли сўз қалбни илитади ва яйратади. Совуқ, ёқимсиз сўз эса қалбни музлатади, одамни жаҳлдор, бағритош қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам бир оғиз ширин сўзни бир-бирингиздан аяманг яхши одамлар.
- ❖ Яхши одам тилагида боли, ёмон одам тилагида заҳри бор.
- ❖ Шошқалоқ оптимист чиқарган хулосадан, мулоҳазали пессимист чиқарган хулоса тўғрироқ.
- ❖ Билмаганни билган қилиб кўрсатиш аҳмоқлик.
Билмаганни сўраб билиш эса доноликдир.

- ❖ Кўп бўлса кадрсиз бўлади, кам бўлса кадрли.
- ❖ Ҳазил-мutoйиба кўнгли пок одамларга хос.
Ҳазилни тушунмаган эса ҳар бир сўздан ҳам хавфсирайди ва уни нотўғри таҳлил қилади.
- ❖ Дид билан фаросат ёнма-ён юради
Дидли одам фаросатли ҳамдир.
- ❖ Буюк бўлиш учун ақлли бўлиш шарт эмас, бирор тен-такнамо ҳаракат ҳам буюкликка олиб келиши
- ❖ Ҳамма мақтовга сазовор бўлишга интилади, лекин унга эришиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.
- ❖ Қарор қабул қилиш осон, агар у ўзгалар ҳақида бўлса, лекин ўз ҳақингда бўлса-чи? Унда иккиланишинг аниқ.
- ❖ Ғазаб билан ақл – сув билан ўт. Улар ҳеч қачон бирга бўла олмайдилар.
- ❖ Эҳтиёткор бўлиш яхши, лекин бошқаларни ҳам эҳтиёткор бўлишга ундаш ундан ҳам яхши.
- ❖ Гуноҳ қилмасликдан кўра гуноҳкорларни бу йўлдан қайтариш савоблироқдир.
- ❖ Нафсига қурбон бўлган одам бу дунёдан тезроқ кўз юмади.
- ❖ Нафс тубсиз ўпқон, у домига тортдими, бас, қутулиб чиқишинг гумон.
- ❖ Таъмаргирлик билан топилган луқма ҳалол эмас.
- ❖ Бировга яхшилик қилсанг ундан умидвор бўлма, яхшиликни билган билади, билмаган барибир билмайди.

❖ Классик куй, кўшиқлар  ўзларининг чуқур маънолилиги, залворлилиги билан, замонавий куй-кўшиқлар эса ўйноқилиги ва жўшқинлиги билан ажралиб туради.

❖ Иродали бўлиш учун ўз истак хоҳишингга қарши бора оладиган бўлишинг керак.

❖ Иззат ҳурматга эга бўлиш учун куйидаги уч нарсадан бири талаб этилади:

1. Ҳалолу – поклик, хушмуомилалик.
2. Мартабали лавозим, яъни амалга эга бўлиш.
3. Катта бойлик соҳиби бўлиш.

Уларнинг қай бири орқали иззат-ҳурматга эга бўлиш эса ўзингга ҳавола, эй инсон фарзанди!

- ❖ Халқ кўшиқларининг яшовчанлиги, асрлардан асрларга ўтиб келаётганлиги, уларни ҳаётдан олинганлиги ва халқ қалбидан чиққанлигидадир.
- ❖ Ҳозирги пайтда яратилаётган маза матрасиз мазмунан саёз кўшиқлар эса шоуга асосланган бўлиб, улар моддий манфаатдорликни кўзлайди.
- ❖ Санъатда (кўшиқчиликда) бировга тақлид қилмасдан ўз йўлингни топишга ҳаракат қил. Шундагина санъатдаги ҳаётинг узоқ ва боқий бўлади.
- ❖ Енгил куй-кўшиқларнинг кўпайишига сабаб, уларда мазмунни кейинга суриб, шакл ва ифодани олдинга чиқиб олганлигидадир.
- ❖ Санъатнинг тури кўп. Аммо, ўғрилиқ, фолбинлик, башоратгўйлик, лўттивозлик кабиларни ҳам санъат дейиш мумкинми?
- ❖ Башоратгўйлик иқтидорлик санъатими ёки ташқи олам билан алоқадорликми? Бунга ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Лекин башоратгўйлик бор. Уларни рад қила олмаймиз.
- ❖ Замонавий томошабиннинг классик асарларни кўришга тоқати йўқ. Улар енгил-елпи комик асарларни кўришга қизиқишмоқда. Наҳотки ҳаёт ҳам ана шундай енгил-елпилик томон кетаётган бўлса?!
- ❖ Санъат ва адабиёт инсонларга ҳаёт йўлини кўрсатувчи маёқдир. Уларга беътибор бўлмаслик керак.
- ❖ Одатда ёшлар китоблардаги ва фильмлардаги қаҳрамонларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам санъат ва адабиётнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Аммо ҳозирги кундаги адабиёт китобхон истаги ва хоҳишига кўра ёзилаёпти, фильмлар ҳам томошабин истак ва хоҳишига кўра суратга олинаёпти. Бу эса санаът ва адабиётнинг маънан қашшоқлашувига сабаб бўлмоқда.
- ❖ Минг афсус, ҳозирги пайтда кўп соҳаларда ва инсон фаолиятида шаклга катта эътибор қаратилган, мазмун эса эътибордан четда қоляпти.
- ❖ Шакл ва мазмун уйғунлиги бузилган жойда мазмун камчилигини тўлдириш учун шаклга кўпроқ безак берилади.
- ❖ Таълимдан кўзланган мақсадга эришиш йўлида ҳам ҳайбаракаллачиликка йўл қўйилган ҳолда шакл бирламчи бўлиб қолмоқда.

- ❖ Юлдузлар бокий, улар дунё тургунча туради. Фойдали ўтказилган умр ҳам юлдузларга ўхшайди.
- ❖ Юлдуз учса, кимнидир ҳаёти сўнди дейишади. Ха, у бесамар ўтган умр бўлса керак.
- ❖ Дононинг нодондан фарқи, керакли гапни керакли пайтда ва керакли жойда айта билганлигидадир.
- ❖ Умр қисқа, шунинг учун ҳам инсонларга қандайдир яхши нарса (яхши ном, яхши боғ, яхши фазилат, яхши китоб) қолдиришга улгурмоқ керак.
- ❖ Кексалик ғариблик эмас, фақат ундан тўғри фойдалана билиш, хайрли ишларга йўналтира олишлик керак. Ана шундагина кексалик роҳат эканлигини сезиш мумкин.
- ❖ Одамнинг ёши улғайган сайин, унда насихат қилишга мойиллик орта боради.
- ❖ Эй инсон! Эзгу ишлар қилишдан чекинма, чунки ҳар бир эзгу иш садақадир.
- ❖ Бу дунёда ўзингдан яхши ном қолдириб кетмасанг яшашдан не фойда.
- ❖ Мақсадсиз яшаш, зулматда яшаш билан баробар.
- ❖ Ўз кўз қараши, тушунчасига эга бўлмаган одам сув устидаги хасга ўхшайди. Сув қай томонга оқса у ҳам шу томонга кетади.
- ❖ Кўзласанг, юксак мақсадларни кўзла. Унга эришишга умринг етмаса хафа бўлма. Фарзандларинг уларни амалга оширади.

ХОТИМА ЎРНИДА

Хуллас, буларнинг барчаси кўнгилдаги гаплар улар кимгадир маъқул келар кимгадир йўқ.

Кимдир уни сабри чидамай бир четга отиб юбориши ҳам мумкин. Лекин, бир кун келиб, кўнгилда ушбу ибратли гапларга эҳтиёж сезиб, уни яна қўлга олсангиз, «чанглариини артиб ўқишга киришсангиз» муаллиф учун шунинг ўзи кифоя.

Ушбу рисолани сабр-тоқат билан ўқиб чиққанларга эса яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Бу табаррук ҳаётда ва она заминда доимо эзгуликка интилиб яшаш Сизга насиб этсин азизу-мўътабар китобхон.

Муаллиф